

# ҚАЧОН

ногиронликка  
ижтимоий  
муаммо сифатида  
қараймиз?

8



# ЕРЛАРНИНГ

талон-торож  
қилинишига  
ҳоқимлар сабабчи  
бўлганми?



f @mahalladoshuz

@mahalladosh\_uz

www.mahalladosh.uz

№ 18

(1912-1915) 2020 йил  
28 май — 4 июнь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

# Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

## ИШСИЗ ҚОЛГАН

фуқаролар  
бандлиги  
қандай  
таъминланмоқда?



9

## ТОМОРҚАЧИЛАР

сувсизликдан азият  
чекмоқда. Муаммонинг  
ечими қандай?

10

Юртимизга

## ЧИГИРТКА БАЛОСИ

хавф соляптими?



15


«ҚИШЛОҚ  
ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ»  
монополиясига чек  
қўйиладими?



18

# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИМИ?

3



Жонли  
ижро қадр  
топадиган  
вақт келди

«БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»:  
пандемия шароитида  
унинг келажаги қандай  
бўлади?

29



25

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

**«БИТТА ҲОЛАТ АНИҚЛАНСА, БУТУН МЕҲМОНХОНАНИ КАРАНТИНГА ОЛИШГА ЗАРУРАТ БЎЛМАЙДИГАН ТИЗИМ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЗАРУР»**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 27 МАЙ КУНИ ТУРИЗМ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТИ БИЛАН ТАНИШДИ.

**«Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган»**

Маълумки, жорий йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички сайёҳлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортиқ туроператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди. Бу гидлар, миллий хунармандчилик, зиёратгоҳ ва сиҳаттоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда **250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди.**

Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида туризм соҳасига ҳам қатор энгилликлар берилди. Жумладан, 1 минг 750 та субъектга мол-мулк, ер ва ижтимоий солиқлардан 60 миллиард сўмга яқин имтиёз тақдим этилди. Лекин бу имтиёз ва преференциялар вақтинчалик. Доимий барқарор ривожланиш учун эса пандемия шароитида ишлашга ўрганиш зарур.

Шу боис бу борадаги хорижий тажриба ўрганилди. Хусусан, «Uzbekistan. Safe travel guaranteed» («Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган») бренди остида сайёҳлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ишлаб чиқилди.

**Туризм соҳасига имтиёзлар берилади**

Туризм йўналишида тадбиркорлар кўрган зарарни яқин 1-2 йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар берилади. Хусусан, туристик йиғимлардан озод қилиш бўйича **аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтирилади.**

Шунингдек, соҳа корхоналари фойда солигини ҳисоблашда 2020-2021 йил-

даги кўрган зарарларини кейинги йиллар фойдасидан чегириб ташлашга руҳсат берилади. Меҳмонхоналарга кўрсатган хизматининг **10 фоизи** микдорида субсидия ажратилади. Бундан ташқари, уларга айланма маблағ учун кредит фоиз тўловларининг **10 фоизига** ча бўлган қисмига субсидия берилади.



**Меъёрлар содда, лекин самарали бўлиши керак**

Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳа тақдимот қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда ички туризمنى тиклаш ва ривожлантириш борасидаги режалар билан танишилди.

Президентимиз **биринчи босқичда «яшил»** ҳудудлар ўртасида ички туризмга руҳсат бериш зарурлигини таъкидлади. Тоғли жойлар ва қўл бўйларида энгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимлар билан биргаликда **кўчма дам олиш масканлари дислокацияси тасдиқлиниб, электрон порталга жойлаштирилади.**

**Иккинчи босқичда корона-вирус касаллиги жиловланган давлатлар рўйхатини шакллантириб**, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди.

— Туризм фаолиятини қайта тиклаш учун, энг аввало, меҳмонхоналар қандай ишлайди, сайёҳлар аэропортда қандай қабул қилинади, уларнинг мамлакат ичида ҳаракатланиши қандай ташкил этилади, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Белгиланадиган меъёрлар содда, лекин касалликнинг олдини олиш учун етарли бўлиши лозим. Мисол учун, битта ҳолат аниқланса, бутун меҳмонхонани карантинга олишга зарурат бўлмайдиган тизим ишлаб чиқиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

**Йил бошидан бери 299 та давлат активлари сотилди**

Бугунги кунда мамлакатимизда **2 минг 965 та** давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишламоқда. **Ушбу корхоналарнинг ярмидан кўпи ҳатто дивиденд тўлаш имконига эга эмас.**

Йил бошидан бери **299 та давлат активлари** 348 миллиард сўмга сотилди. Янги инвесторлар ушбу объектларга жами **3,3 триллион сўм** инвестиция киритиб, **4 минг 700 та** янги иш ўринлари яратиш мажбуриятини олган.


Хусусан, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, собиқ «Чорсу» меҳмонхонаси, «Самарқандкимё» корхонаси, Қўнғирот сода заводидаги давлат ва ҳўжалик жамиятлари улуши сотилди. Бу объектларга **425 миллион доллар** инвестиция киритилиб, **800 та** янги иш ўрни яратилади.



**Самарасиз ишлатилаётган активлар хусусийлаштирилади**

Президентимиз соҳадаги ишларни давом эттириб, яна **1 минг 400 га** яқин давлат активларини хусусий инвесторларга беришни тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги тармоқ раҳбарлари билан бирга самарасиз ишлатётган **711 та корхонани тугатиш, 262 та** корхонани қайта ташкил этиш, шунингдек, **500 дан зиёд** бозорларни хусусийлаштириш чораларини кўради. Давлат ихтиёрида сақлаб қолинadиган корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш бўйича **янги тизим жорий этилади.**



**Ю**ртимизда кейинги кунларда коронавирусга чалиниш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кишида ташвиш уйғотади. Кўни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида мазкур ҳолат чуқур таҳлил қилинди. Аксарият ҳудуд ва корхона раҳбарлари, фуқаролар карантин чораларининг юмшатилагани «касаллик тугади» деб, нотўғри талқин қилаётгани, Ватанимизга қайтаётган кишиларнинг коронавирус бўйича вазият оғир давлатлар ҳамда қўшни мамлакатлардан келаётгани ҳисобга олиниши, хотиржамликка берилиш мумкин эмаслиги таъкидланди.



# КОРОНАВИРУС инфекциясига чалинганлар сони НЕГА ОРТМОҚДА?

Давлатимиз раҳбари халқимизга мурожаат этиб, Ўзбекистонда карантин ҳали тугамагани, бозорлар, савдо комплекслари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаслик, кўча-кўйда тиббий ниқоб тақмаслик, бемалол ва хотиржам бўлиб, уйларда турли тадбирлар ўтказиш ҳолатлари кўпаяётгани ҳар биримизнинг, жумладан, кекса кишиларнинг саломатлигини хавф остига қўйиши, касалликни авж олдириши мумкинлигини ўқтирди. Касалликни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш учун қилаётган барча ҳаракатлар, бюджетдан олинаётган триллионлаб харажатлар натижадорлиги мана шундай лоқайдлик туфайли йўққа чиқиши мумкинлигини унутмасликка чақирди.

Президентимизнинг мурожаатидан сўнг вазиятни аниқроқ баҳолашимиз, ўзимиз ва ўзгалар ҳаётини асрашга масъуллигимиз, фидокорона хизматларни қадрлаи билишимиз кераклиги ҳар биримизни ўйлантириши зарур.

## Ташвишли фактлар аниқланмоқда

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан Ўзбекистон фуқароларининг чет элдан ўз ватанига олиб кирилиши учун чартер рейслари жадвали тасдиқланди — 25 майдан 7 июнгача 17 та рейсда фуқаролар эвакуация қилинадилар. Унутмаслик керакки, уйига қайтаётганлар коронавирус кенг тарқалган мамлакатлардан келмоқдалар. Давлатимиз раҳбари ҳам ушбу фактга эътибор қаратдики, айна сабаб коронавирус инфекциясига чалиниш ҳолатларини кўпайтирмоқда.

Сўнгги ҳафталарда аксарият беморлар тузулиб бораётгани қувонарли. Лекин даволанаётган беморларнинг сони ортиши билан бирга, Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Навоий вилоятлари аҳолиси ўртасида коронавирусдан зарарланганлар сони ҳам кўпайиб бораётди. Бу нимани аниқлатади? Ҳеч шубҳасиз, бу — аҳолининг

карантин тартибини бузганини аниқлаш учун жуда ташвишли факт. Ижтимоий яқкаланиш, нафас олиш ва қўллар гигиенасини асло ёддан чиқармаслик, доимий риоя этиш керак. Ортиқча вазнга эга кишилар, сурункали касалликка чалинганлар, 50 ёшдан ошганлар, айниқса, эҳтиёткорликни сусайтирмасликлари жоиз.

Шу ўринда, маҳаллаларнинг назоратчи сифатидаги фаоллиги кучайса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ниқоб ва бошқа ҳимоя воситаларидан фойдаланишда эътиборсиз бўлмаслик, оммавий йиғилишларни чеклашда фуқаролар йиғинлари масъуллари ташаббусни кўлга олишлари керак. Агар инфекциянинг кўпайиш даражаси ўзгармаса, карантин чоралари кучайтирилиши муқаррар.

## Вирусга қарши курашда олимларимиз нималарга эришди?

Айни дамда бутун дунё олимлари коронавирусга қарши вакцинанинг бир неча турини ишлаб чиқишди ва уларнинг самарадорлигини ҳайвонларда синаб кўришмоқда. Очик гап, вакцинани яратиш жараёни кўп вақт талаб қилади. Юртимиз олимлари ҳам бу борада изланмоқдалар. Лекин натижани кутишда вакцина қисқа муддатда яратилаётгани, бунинг учун олимларимиз янги услублар қўллаётганини ҳисобга олиш жоиз. Шу боис вакцина камида 8 ойдан 10 ойгача муддатда тайёр бўлади.

Маълумки, коронавирус ўз таркибидаги оқсилларни кодлайдиган генларга эга. Ушбу таркибий оқсилларни аниқлаш вакциналар яратилишида асос бўлади. Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илғор технологиялар маркази олимлари томонидан Ўзбекистонда коронавирус билан касалланганлардан аниқланган SARS-CoV-2 нинг бир неча

штамплари учун гени аниқланди. Олимларимиз муҳим таркибий генлардан бирининг коронавирус қобиғини кодлайдиган нуклеотидлар кетма-кетлигини ҳам топишди.

## Ривожланган давлатлар билан солиштирганда...

Кўни кеча юртимизда коронавирус билан боғлиқ 14-ўлим қайд этилди. Оламдан ўтган бемор 3 йилдан буён I гуруҳ ногирони бўлиб, сурункали буйрак етишмовчилиги ва анемия оғир даражаси ташхиси билан диспансер назоратида турган, 2017 йилдан буён доимий гемодиализ муолажасини олиб келган, яъни асосий хавф гуруҳига кирган. Шифокорларнинг шунча уринишларига қарамай бу беморнинг ҳаётдан кетгани ачинарли, албатта. Аммо унутмаслик керакки, Ўзбекистонда коронавирусга чалиниш ҳолатлари ҳам, айна сабабдан ўлим кўрсаткичи ҳам кўтлаб давлатларга нисбатан анча паст. Нега?

Асосий сабаб бизда коронавирус эпидемиясига қарши эпидемиологик ва тиббий назорат чора-тадбирлари юқори даражада ташкил этилди. Президентимиз касаллик тарқалган илк кунлардан халққа мурожаат қилиб, қатъий карантин қоидаларига риоя этишга чақирди, тиббий хизмат сифатига алоҳида эътибор қаратди, шифокорлар қўлаб-қувватланди, ҳар бир беморга ғамхўрлик қилиниб, имкон борича ўлимга йўл қўймаслик бўйича қатъий курашга киришилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигимиз томонидан биринчи аниқланган беморнинг зудлик билан тиббий назоратга олингани ва барча беморлар зарарланишининг илк кунларидан бошлаб касалхонага ётқизилгани ҳам оғир ҳолатларнинг олдини олди. Ўткир даврда ҳар бир бемор тиббий назоратда бўлди, аҳоли ёмонлашганда, беморларга нафас олиш

етишмовчилигини даволашга қаратилган терапия зудлик билан бошлаб юборилди. Шу боис мамлакатимизда коронавирусга чалинганлар орасида ўлим кўрсаткичи юқорида кетмади.

**COVID-19  
га қарши  
вакцина  
яратилиши-  
дан умид  
борми?**

## Ходимларимиз — курашнинг олдинги сафларида

ТошВМОИ ходимлари томонидан коронавирус инфекцияси тарқалган кундан бошлаб изчил тарғибот, ўқув, даволаш ва диагностика ишлари олиб борилди. Ходимларимиз мазкур инфекцияга қарши курашда биринчи сафларда туришди, тўғридан-тўғри карантин зоналарида бўлиб зарур тиббий ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар жамоаси томонидан бевосита инфекция ўчоғида ишлайдиган шифокорлар ўқитилди. Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида реаниматолог, пульмонолог, инфекционист ва эпидемиологлар захиралари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, коронавирус хавфи тўлиқ барҳам топгани йўқ. Қолаверса, аҳоли орасидан ҳам зарарланганлар аниқланмоқда. Шундай экан, лоқайдликка берилмасдан гигиена қоидаларига, карантин талабларига риоя этсак, мазкур иллатни юқтириш хавфидан шунча узоқ бўлаемиз ва тождор вирус бало-сидан шунча тез қутулаемиз.

**Мунираҳон ҚОСИМОВА,  
Тошкент врачлар малакасини  
ошириш институти ўқув иш-  
лари бўйича проректори, тиббиёт  
фанлари доктори.**



1 июндан айрим тадбиркорлар мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан вақтинча озод қилинади.

**Д**авлатимиз раҳбари 2020 йил 20 май куни «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни имзолади. Хужжат билан давлат божининг айрим турлари бекор қилиниб, тўлов миқдорлари оптималлаштирилди. Битимларни тасдиқлаганлик ва мерос ишларини расмийлаштирганлик учун давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилди.

Хўш, янги қонуннинг мазмун-моҳияти нималардан иборат? У оддий одамларга қандай энгиликлар яратади?



# ПОЙТАХТДАН

## уй сотиб олишдаги нотенглик тизими бекор бўлдими?

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Жорий йил 1 майдан Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти ташкил этилди.

Бундан ташқари, ҳар қандай давлат хизматидан фойдаланиш, шу жумладан, лицензия, рухсатнома олиш, давлат рўйхатидан ўтиш ва бошқа хизматлар учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил мурожаат этилганда, бож ва бошқа тўловлар Давлат хизматлари марказлари орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга мурожаат этилганда тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорда ундирилиши қайд этиб қўйилди.

Шунингдек, адвокатлик тузилмаларини, уларнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, юридик маслаҳатхоналарнинг низомиларини давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳамда юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олганлик учун ундириладиган давлат божи ставкалари бўйича қўшимча киритилаётгани мамлакатимизда адвокатлик хизматларининг такомиллашувига олиб келади.

### Кимлар давлат божидан озод этилди?

Янги қонун билан айрим давлат бошқаруви органлари мамлакат манфаатларини кўзлаб, судларга даъво аризалари киритганда, улар давлат божидан озод қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини кўзлаб бериладиган даъво аризалари учун давлат божидан озод қилинмоқда.

Худди шундай, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва уларнинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ, барча судларга қўриб чиқиш учун аризалар киритганда давлат божини тўлашдан озод қилинади.



**Бахтиёр УМАРОВ,**  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

### Уй олишдаги алоҳида бож ставкаси бекор қилинди

Маълумки, дунёнинг барча мамлакатларида ўз шахсий ҳаётида юқори натижаларга эришмоқчи бўлган инсонлар марказга интилишади ва салоҳиятларини тўла намоиш этишга, бу орқали оиласи, яқинларининг фаровон ҳаёт кечирилиши таъминлашга уринишади. Натижада ўз-ўзидан йирик пойтахтлар ёки мегаполис шаҳарларда яшаш ва яшаб қолиш учун рақобат кучаяди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам вилоятларда яшовчи фуқароларнинг пойтахтдан уй-жой харид қилиш масаласи ҳар доим энг долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. Бироқ аввал-



лари Тошкент шаҳридан кўчмас мулк сотиб олиш учун амалда бўлган тартиб-қоидалар, ўрнатилган нотенглик тизими узоқ вақт одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келди.

Жумладан, шу вақтгача Тошкент пропискаси бўлмаган фуқаро фақатгина бирламчи бозордан ўз номига уй сотиб олиб, пойтахт пропискасига эга бўлиши мумкин эди. Қўшимчасига фуқародан мол-мулкнинг олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун шартнома суммасининг 5 фоизи миқдорда давлат божини ундирилди.

Яна бир муҳим янгилик шуки, эндиликда «Нотариат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, давлат нотариал идораси нотариуси хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш истагини билдирса, нотариус унга бу ҳуқуқни берувчи лицензия берилгани учун давлат божини тўлашдан озод қилинади.

### Давлат нотариуси хусусий фаолият билан шуғулланиши мумкин

Қонун билан давлат божини миқдорларига ҳам ўзгартириш киритилиб, аниқ суммаларда белгиланмоқда. Жумладан, нотариал ҳаракатлар бажарилганлиги учун икки ёки ундан ортиқ шахс номига берилган битта ишончномани тасдиқлашда ёки битта ариза шаходатлантирилганда давлат божини битта ҳаракатга нисбатан ундирилиши белгиланди.

### ДАРВОҚЕ...




Президентимиз томонидан 2020 йил 13 майда имзоланган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонунга кўра, фуқароларга нафақат биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари яшаб турган манзилга, балки уларнинг эгалигида бўлган бошқа манзилдаги уй-жой майдонига ҳам доимий рўйхатга туриши мумкин бўлди.

Қонунга кўра, юртимизда доимий яшовчи ва республиканинг бошқа ҳудуд-

Ўзбекистонда углеводород хомашёси қазиб чиқаришни кўпайтириш дастурининг 2-босқичи амалга оширилади.

**А**ндижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласи вилоят марказидан салкам 40 километр олисда жойлашган. Бу гўшада истиқомат қилувчи аҳоли, асосан, деҳқончилик ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланади. Маълумотларга кўра, айна пайтда ҳудудда 30 га яқин оилада 2-3 тагача хўжалик бирга яшайди.



# «ОДАМЛАРНИНГ бошпанаси бўлса, РЎЗҒОРИНИ ОЁҚҚА ҚЎЙИБ ОЛАДИ»

Айтиш лозимки, сўнгги йилларда уй-жой ёки шунга алоқадор масалалар янги ҳаётликларни қийнаётган энг асосий муаммолардан бирига айланган, десак муболага бўлмайди.

## «Замонавий қишлоқ» — қандай лойиҳа?

Хабарингиз бор, яқинда Президентимиз Андижон вилоятига сафари чоғида «Замонавий қишлоқ» лойиҳаси тақдими билан танишган эди. Унга кўра, вилоятнинг олис Пахтаобод туманидаги «Бўстонабод» ҳамда Қўрғонтепа туманидаги «Янги ҳаёт» маҳаллалари учун дастлабки режа ишлаб чиқилган бўлиб, бу қишлоқ ҳудудларига зарур муҳандислик коммуникациялари тортилиб, кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилмоқда. Хўш, «Замонавий қишлоқ» ўзи қандай лойиҳа? Унинг афзал жиҳатлари нимада?

— Бу йил илк бор Андижонда урбанизация талаблари ва инфраструктура мавжудлиги ҳисобга олиниб, ҳар бир туманда иккитадан «Замонавий қишлоқ» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилади. — дейди Андижон вилояти бош архитектори Шокиржон Тўрабоев. — «Замонавий қишлоқ» — кўп қаватли уйлар қуриладиган, инфратузилма объектлари мавжуд, аҳоли учун барча шароит яратилган масканлар бўлади. Янги лойиҳа бўйича қурилган уй-жойлар бошқа дастурлар доирасида барпо этилган тураржойлардан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, мазкур лойиҳанинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, шу асосда қуриладиган замонавий

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида уй-жойга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиб, Андижон вилоятида 819 та оилага субсидия ажратилиши зарурлигини таъкидлади.

уй-жойлар, энг аввало, бир уйда кўпчилик бўлиб яшаётган, муҳтож оилаларга берилади.

## «Камбағалликдан чиқишнинг энг асосий замини — уй-жой»

Ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Тан олиш лозим, бугун Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Бироқ камбағаллик масаласи юртимизда узоқ йиллар «ёпиқ мавзу» бўлиб келди.

Давлатимиз раҳбари Андижонга қилган сафари чоғида бу масалада сўз юритар экан, «Камбағалликдан чиқишнинг энг асосий замини —

уй-жой. Одамларнинг бошпанаси бўлса, ўзи ҳаракат қилиб, рўзғорини оёққа қўйиб олади», дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу нуқтаи назардан, Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан «Замонавий қишлоқ»қа айлантириш учун танлаб олинган Қўрғонтепа туманининг

«Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудда ўн та қаватли ва еттига 5 қаватли, жами 17 та кўп қаватли тураржой бинолари замонавий энерготежамкор технологияларни қўлаган ҳолда қуриш режалаштирилмоқда. Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилиги асосида таркибига маданият маркази, анъанавий ва электрон китоблардан иборат кутубхона ўз ичига олган «Маҳалла маркази» мажмуаси барпо этилади.

## «Уй-жойга муҳтож фуқароларга ёрдам бера олмаётимиз»

Ушбу лойиҳанинг яна бир афзаллик томони шундаки, янги қуриладиган биноларга сарфланган табиий газ, сув, электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари ўрнатилди, фавқулодда ёнғин ҳолатларида автоматик ўт ўчириш тизимлари ҳамда электр қучланишини мониторинг қилиш учун автоном сезгич ускуналари жорий этилади.

Шунингдек, барча муҳандислик тармоқлари газ, ичимлик суви, локал оқова сув тармоғи, оптик толали интернет тармоғига уланди, объектларда қуёш панеллари ишлаб чиқарувчи электр энергияси қувватидан фойдаланилади. Яна бир янглик шуки, аҳолидан маиший чиқиндиларни олиб чиқишда замонавий ахборот технологиялари, GPS ускуналари, назорат камералари ҳамда замонавий ерости чиқинди тўғлаш пунктлари ташкил этилади. Энг муҳими, қишлоқни ихтисослаштириш орқали аҳоли кўпроқ тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинади.

— Маҳалламизда 3000 нафардан зиёд аҳоли, 539 та оила истиқомат қилиб, уларнинг аксариятини узоқ

йиллар айнан уй-жой муаммоси қийнаб келмоқда, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳиржон Эрматов. — Шу йилнинг ўзида камида 20-30 нафар фуқаро маҳаллага айнан уй-жой масаласида мурожаат қилди. Бироқ уларнинг ҳаммасига ҳам амалий ёрдам бера олаётганимиз йўқ. Уйлайманки, янги «Замонавий

## Дарвоқе...

«Замонавий қишлоқ» лойиҳаси доирасида «Янги ҳаёт» маҳалласида аҳолининг дам олиш ва спорт-соғломлаштириш масканларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳудуддаги мавжуд очик сув ҳавзаси (бассейн) реконструкция қилинади, «Маданият ва истироҳат боғи» қайта таъмирланиб, боғнинг ғарбий қисмида жойлашган 1,3 гектар ер майдонида «Яшил хиёбон» ташкил этилади.

қишлоқ» лойиҳаси, энг аввало, одамларнинг бирламчи эҳтиёжи — уй-жой муаммосига ечим бўлади.

## Хулоса ўрнида

Узоқ йиллар каталакдек ҳовлида яшаган «қўли қисқа» оиланинг ўз уй-жойига эга бўлиши — катта воқеа аслида. Бундай бахтга эришган инсоннинг ҳурсандчилигини эса ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, илк бор Андижон вилоятида тажриба сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган «Замонавий қишлоқ» лойиҳаси яқин вақтлар ичида юзлаб, минглаб ана шундай оилаларга қувонч олиб киришига ишонамиз.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари устидан назорат кучайтирилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

МУҲТОЖЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари пойтахтимизнинг Учтепа, Чилонзор ва Яккасарой туманларидаги ногиронлиги бор юртдошларимиз ҳолидан хабар олди.



Жумладан, Учтепа туманидаги «Найман» маҳалласида яшовчи 1-гурӯх ногирони Мамлакат ая Абзалова ногиронлик аравачаси йўқлиги сабабли ҳовлига чиқолмай қийналарди. Масъуллар томонидан онахонга ногиронлик аравачаси совға қилинди.

«Ватанпарвар» маҳалласида яшовчи 26 ёшли Шаҳзод Камолов болалиқдан 2-гурӯх ногирони. Саховатпеша инсонлар кўмағида Шаҳзодга ҳам махсус аравача олиб берилди. Чилонзор туманида яшовчи

87 ёшли Моҳира ая Юсупова эса мутасаддилар томонидан совға қилинган ногиронлик аравачасини кўриб беҳад қувонди.

— Сўнгги 2 йил ичида ўнга яқин ташкилот хонадонимизга келиб, муаммоларимизни ўрганиб кетган, — дейди Моҳира ая. — Бироқ натижа бўлмагани учун умидимни узиб қўйгандим. Мана, фаоллар ёрдамида қисқа вақт ичида аравачали бўлдим. Яхшиликлар, яхши инсонлар кўпаяверсин.

Шаҳзод Тўраев.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«САХОВАТ ВА КЎМАК БУРЧАГИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида Навоий шаҳри маҳаллалари кесимида 1181 та камбағал оила аниқланиб, уларга ихтиёрий ёрдам бериш ташаббуси билан чиққан саховатпеша тадбиркорлар бириктирилди.




Яқинда Навоий шаҳар ҳокимлиги томонидан янги хайрли ташаббусга қўл урилди. Унга кўра, Навоий шаҳридаги 10 та йирик савдо мажмуаси, «Саховат» бозори МЧЖ савдо нуқталари ҳамда шаҳардаги мавжуд 31 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги биттадан савдо дўконларида «Саховат ва кўмак бурчаги» ташкил этилди. «Имкониятингиз бўлса

— қўйинг, зарурият бўлса — олинг» ҳамда «Барчамиз савоб иш қилишга ҳақлимиз!» шiorлари остида ташкил этилган ушбу бурчакларда саховатпеша инсонларимиз озиқ-овқат маҳсулотларини тақдим этишлари, зарурати бор юртдошларимиз эса улардан бепул олишлари имконияти яратилди.

Холбиби САФАРОВА.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ



ОЛИС ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Фориш туманидаги Қораабдал ота қишлоғида қурилиш материаллари ва шлакоблок гиштлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона иш бошлади.

«Холбуви она» деб номланган ушбу кичик корхона шу қишлоқлик ёш тадбиркор Музаффар Шоқосимов 70 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига барпо этди.

— Ҳозирча корхонамизда 5 та иш ўрни яратилди, — дейди ёш тадбиркор Музаффар Шоқосимов. — Ҳар куни мингдан зиёд шлакоблок гишт тайёрлаяпмиз. Маҳсулотимизга

буюртма кўп. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, иш ўринларини кўпайтиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Қайд этиш керак, корхонанинг ишга тушиши ҳудуддаги Нарвон, Мустақиллик, Яссикечув, Гараша ва Илонли қишлоқларининг аҳолиси учун ҳам катта қулайлик яратди.

Имона ИБРОҲИМОВА.

1 ОЙЛИК МЕҲНАТ ЙИЛГА «ТАТИЙДИ»

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ёриқ» маҳалласи аҳолиси хонадонидега етиштирилган пиллани фермер хўжалиқларига топширмақда.

Искандар Утегенов турмуш ўртоғи Мавжуда опа билан пенсияга чиқишга оз муддат қолган бўлса-да, етарли меҳнат стажига эга эмас эди. Туман ҳокимлиги вакиллари уларга пилла етиштириш ва зарур иш стажига эга бўлишни таклиф этишганида, ўйланмасдан рози бўлишди.

— 15 қути ипак қурти уруғини олиб, парваришладик, — дейди И.Утегенов. — Натижанда бир ойлик меҳнатимиз эвазига бир йиллик меҳнат стажи ва қўшимча даромадга эга бўлдик. Туман хирмонида 300 килограмм пилла ҳосили топширдик. Бундай имконият биз каби иш билан банд бўлмаган аҳолига кенг қулайликлар яратмоқда.

Айтиш лозимки, айна кунларда ипак



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

қуртини иккинчи босқичда аҳолига тарқатиш ишлари давом этяпти. Ишсиз бўлган оилалар ипак қуртини йил давомида 3-4 маротаба парваришлаб, даромад олиши мумкин. Ҳозирги кунга қадар биринчи босқичда аҳолига 1 минг 500 қути ипак қурти тарқатилган бўлса, иккинчи босқичда 664 қути тарқатилади.

Севинч ҲУСАНОВА.

«БАҲОР» МАҲАЛЛАСИДА НЕГА ЖИНОЯТЧИЛИК ОРТМОҚДА?

Фарғона шаҳридаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида «Ҳамжиҳатлик бор жойда жиноятга ўрин йўқ!» шiori остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Афсуски, сўнгги вақтларда шаҳар марказида жойлашган ушбу маҳаллада жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ салбий ҳолатлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 тадан 57 тага ошган.

— Ҳудудимизда 3 та бозор жойлашган, — дейди йиғин раиси Муродил Турсун-

боев.—Рақамларда «Баҳор» маҳалласида жиноятчиликлар сони орттани қайд этилмоқда. Аслида ҳуқуқбузарликлар, асосан, бозорлар ҳудудида содир этилади, лекин бозор маъмурлари бу ишларга мутлақо эътибор қаратмайди. Шундай экан, бозорда содир этилган ҳуқуқбузарлик унга туташ маҳаллаларга эмас, балки бозор маъмурияти ҳисобига қайд этилса, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлиги янада ортарди.

Амалий мулоқот жараёнида бу борада мутасаддилар масъулиятини кучайтириш, тарғибот тадбирларини қозғома эмас, амалда рўёбга чиқариш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги айтиб ўтилди. Юқоридаги каби ҳолатлар юзасидан амалий таклифлар берилди.

Расул КАМОЛ.



Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун кредитлар ажратилади.

**К**ашқадарё вилояти прокуратура органлари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, вилоятда 7234 ҳолатда 1289,62 гектар ер ноқонуний эгаллаб, 6469 ҳолатда 155,12 гектарга ўзбошимчалик билан турли иншоотлар қуриб олингани, 485 ҳолатда 3527,7 гектар ердан самарасиз фойдаланиб келингани аниқланди.



## ЕРЛАРНИНГ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНИШИГА ҲОКИМЛАР САБАБЧИ БЎЛГАНМИ?

### Фермерга ер уй қуриш учун берилмаган

#### Ерни сотганлар жазога тортилди

Фермерлар орасида ернинг умрини беҳуда ўтказиб қўйиш ҳақида унинг аҳолиси билан бир қаторда турган ҳолати ва сувли ерлар аҳолига бўлиб берилмоқда. Масалан, жорий йилда «Ҳар бир ёшга — бир гектар» акцияси ташкил этилиб, шу кунгача 600 нафардан зиёд ёшларнинг ҳар бирига 1 гектардан ер ажратиб берилди.

— Шу пайтгача ҳокимлар қишлоқ ҳўжалигида ишлохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга маъсул ҳисобланарди, — дейди вилоят прокурори Эркибой Тожиёв. — Аммо текширишлар натижаларига кўра, айрим туманларда ерларнинг талон-торож қилинишига кўпинча айнан ҳокимлар сабабчи бўлган. Улар ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисида судларга даъво аризаси киритмаган. Шунингдек, захирадаги ерни ўз вақтида тарқатиш чорасини кўрмагани ҳам ўзбошимчаликка сабаб бўлган.

Албатта, фуқаролар ҳам ерни уларнинг алдовларига ишониб сотиб олган бўлиши мумкин. Бироқ бу деҳқончилик учун мўлжалланган сувли майдонлардан тегишли ҳужжатларга эга бўлмасдан туриб, ноқонуний тарзда иморат қуришга изн бермайди. Қолаверса, экин ерлари давлат учун қимматбаҳо мулк саналади ва унинг қонунга зид равишда ўзлаштириб олиниши келгусида қишлоқ ҳўжалиги тармоғи ривожига салбий таъсир этиши мумкин.


— Ўрганишлар давомида 112 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, тўртта жиноят иши кўзга тилди, — дейди Э.Тожиёв. — Хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган 13 нафар туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими раҳбарига интизомий жазо қўланилди, 7 нафари ротация қилинди, тизимда ишловчи ўн нафар ходим лавозимидан озод этилди.

#### Ноқонуний эгаллаб олинган ер давлат ихтиёрига қайтарилди

Вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади. Уларнинг иш билан бандлиги, ҳаёт тарзи ва турмуши бевосита ер билан боғлиқ. Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари

танқислигининг олдини олишда ҳам ердан самарали фойдаланиш даркор.

Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросоноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси томонидан бу борада тизимли назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Жумладан, Ғузур туманида ўтказилган мониторингда ҳудуддаги «Шоҳмалик Шермурод ўғли» фермер ҳўжалиги ерларининг 5 сотих майдонига фуқаро Тошмурод Умрзоқов уй-жой қуриб олгани аниқланиб, иш белгиланган тартибда судга оширилди.



— Ғузур тумани маъмурий суди томонидан ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилиб, айти пайтда ноқонуний қурилиш объектнинг бузиб олиниши таъминланган, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросоноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси бошлиғи Файзулла Ғуломов. — Рақамларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг январь-апрель ойларида бу борада ўтказилган назорат тадбирлари давомида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш бўйича 30 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

#### Ўзбошимчалик оқибати...

Яна бир шундай ҳолатда қамалилик О.А. ўзи яшаётган ҳудуддаги ҳокимлик тасарруфиди

бўлган экин майдонига ҳеч қандай рўхсатсиз уй-жой қуриб олади. Муттасаддилар уни бу иш қонунга зид экани ҳақида бир неча бор огоҳлантиришига қарамай, ўз билганидан қолмайди. Шундан сўнг туман ҳокимлиги бу ҳақда судга даъво аризаси киритди.

— Бу ҳолат белгиланган тартибда ўрганиб чиқилганидан сўнг Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2020 йил 4 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъво қаноатлантирилиб, ноқонуний қурилиш мажбурий тартибда бузиб олинган ва ер ҳокимлигига қайтарилган, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди судьяси У.Неъматуллаев. — Бундан норози бўлган О.А. эса Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига апелляция тартибда шикоят аризаси киритди. Унинг шикоят судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ва унинг куйи органларига ноқонуний қурилмаларни бузиш ва ер участкасини қайтариш билан боғлиқ 2136 та даъво аризаси келиб тушган. Айти вақтга қадар уларнинг 1616 таси кўриб чиқилиб, шундан 1325 таси қаноатлантирилган бўлса, 45 та ариза рад қилинган.

#### Хулоса

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар юқоридаги каби ҳолатларда эътиборли бўлиши, бирор ер майдонига уй-жой қуришдан аввал, унинг эгалик ҳуқуқини тўлиқ расмийлаштириб олиши лозим. Шундагина бугун яхши ниятлар билан қурган иморатни эртага бузиб олишга тўғри келмайди.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

### Дарвоқе...

Маълумотларга кўра, Чирокчи, Қамаш, Ғузур, Қасби, Нишон ва Муборак туманларида охириги беш йилда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони аукционга қўйилмаган. Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун барча туманларда жами 309,8 гектар ер ажратилган бўлса-да, аҳолининг тураржойга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаган. Натижада ўзбошимчалик билан эгалланган ерларга 4585 та уй қурилгани, 801 та ҳолатда девор билан ўралиб, пойдевор қўйилгани аниқланган.

Маҳаллаларда ижтимоий нафақани олиш тартиби соддалаштирилди.

# ҚАЧОН НОГИРОНЛИККА ИЖТИМОЙ МУАММО СИФАТИДА ҚАРАЙМИЗ?



Ногиронлик ҳолатига тушганлар нима учун тиббий кўриқдан ўтишда муаммоларга дуч келиши керак? Қачонгача ногиронликни белгилашда сансалорликка йўл қўйилади?

**Т**ўғма хасталик ёки ҳаёт давомида орттирилган бирор оғир касаллик ва фавқулудда ҳолатлар туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган инсон ўзгаларнинг доимий кўмаги, меҳр-эътиборига муҳтож бўлади. Маълумотларга кўра, ҳозир мамлакатимизда 700 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар истиқомат қилмоқда.



**Мавлуда ХҲЖАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси Меҳнат ва ижтимоий  
масалалар кўмитаси раиси.

## Қонунни ўзгартиришга қандай асослар бор?

Айтиш керакки, мамлакатимизда аҳолининг ушбу қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг барқарор тизими жорий этилган. Шундай бўлса-да, соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина.

Жумладан, протезлаш йўналишлари бўйича тизимли тарзда илмий изланишлар олиб борилмагани сабабли соҳа ривожига тўхтаб қолган. Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати билан қамраб олиш кўрсаткичи жуда паст. Яъни ҳар йили бор-йўғи уч фоиздан кўпроқ беморга бу йўналишда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун қабул қилинганига ўн икки йил бўлди. Мазкур ҳужжатда ногиронликка, асосан, тиббий тушунча сифатида ёндашилди, бундай инсонларнинг жамиятга фаол мослашувини таъминлаш борасида ҳуқуқий асослар етарли даражада акс эттирилмаган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглигини таъминлаш ва

камситмаслик, шахсий ҳаётнинг дахлсизлик ҳуқуқи, ҳаракат эркинлиги ва фуқаролик ҳуқуқи, жисмоний муҳитнинг қулайлиги, уй-жойга бўлган ҳуқуқи каби бир қатор нормалар тўлиқ қамраб олинмаган.

Ҳақли савол туғилади: тақдир тақозоси ёки ҳаётнинг муаммолари сабаб ногиронлик ҳолатига тушганлар тиббий кўриқдан ўтиш, профессионал хизматларни олиш ёки ўзининг меҳнат фаолияти, таълим олиш ва бошқа ҳуқуқларини амалга оширишда нима учун муайян қийинчиликларга дуч келиши керак? Соҳада шафқатликни таъминлаш вақти келмади-микан?

Айни вазият ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини кенг қамровда ҳимоялай оладиган янги қонунни қабул қилиш заруратини юзага келтирди. Парламент кўйи палатасида кўриб чиқилаётган «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасида ана шундай устувор вазифалар ўз ифодасини топган.

## Дарвоқе...

Лойиҳага кўра, эндиликда республикаимизнинг барча ҳудудларида ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар учун алоҳида педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ташкил этилади. Бу мақсадлар учун Давлат бюджетидан 6,3 млрд. сўм миқдоридаги маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

## Янги қонунга қандай нормалар киритилмоқда?

Ҳўш, янги қонунда нималар акс эттирилмоқда? У амалдагисидан қандай фарқ қилади? Ва бу ногиронлиги бўлган инсонларга нима беради?

Таъкидлаш керакки, бундай тоифадаги шахслар муносиб ҳаёт кечириши учун кўчаларда, жамоат жойларида, бино ва ишоотларга кириш-чиқишда, жамоат транспортидан фойдаланишда ҳам муайян қулайликлар яратилиши лозим. Қонун лойиҳасида ана шу масалалар ҳам эътиборга олинган. Масалан, жамоат транспортларида бундай инсонлар бемалол ҳаракатланиши учун ахборот таблолари ўрнатиш, кўзи ожизлар учун бекатларни эълон қилиш мажбурийлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, уларга яшаш жойини мустақил танлаш ва яшаш жойидан қатъи назар, ижтимоий ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланиши тўғрисида алоҳида моддалар киритилмоқда. Уй-жой, имтиёзли ипотека кредитларини олишда уларга устунлик бериш, имкониятига мос яшаш шароитларига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш ҳам эътиборга олинган.

## Энди ногиронлиги кўриниб турган шахс овора қилинмайди

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий ҳимояси ҳақида сўз юритганда, ногиронликни белгилаш, ногиронликни қайта-қайта тасдиқлаш каби муаммолар эътирозларга сабаб бўлаётгани бор ҳақиқат. Белги-ланган муддатдан олдин тиббий

кўриқдан ўтказиладиган касалликлар рўйхати тасдиқланмагани сабабли айрим ҳолларда ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахслардан ҳам ҳар олти ойда ёки йилга бир марта шифохоналарда даволаниш талаб қилинмоқда.

Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида янги қонун лойиҳасига қатор тақлифлар киритилмоқда. Жумладан, эндиликда катталарда ногиронликни белгилаш тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (ТИЭК) ва ўн саккиз ёшгача бўлган болаларда педиатрия ТИЭК томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, ногиронлик белгилари яққол кўриниб турган беморлар ортиқча ташхис-текширувлар ўтказилмасдан тўғридан-тўғри ТИЭКга юборилади.

Агар шахс соғлиғининг ҳолатига кўра, ТИЭКга бориш имконига эга бўлмаса ва бу фуқаро даволанишда бўлган тиббий-ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланса, тиббий-ижтимоий экспертиза уйда ўтказилиши мумкин.

Янги қонунга кўра, сурункали зўрайиб боровчи ва ҳаёт учун хавфли, камдан-кам учрайдиган (орфан) ҳамда бошқа ирсий-генетик касалликлари бўлган ўн саккиз ёшгача ногиронлиги бўлган болаларга ногиронлик белгиланиши шарт ҳамда нафақа тайинланади.

Мухтасар айтганда, ногиронлик масаласига нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо, деб қараш вақти келди. Келгусида мазкур ҳужжат жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланган ногиронлиги бўлган юртдошларимизнинг ҳаётда эмин-эркин яшаш ва ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши, жамият ва давлат қурилишида ҳеч қандай тўсиқларсиз, имконияти етганча иштирок этишига хизмат қилади.

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари бўйича «яшил», «қизил» ва «сарик» ҳудудлар рўйхати янгиланди.



**Б**угун инсоният синовли кунларни бошдан кечирмоқда. Дунё мамлакатлари томонидан зарур чоралар кўрилганига қарамай, коронавирус инфекцияси ер юзини ўргимчак тўри каби қамраб олди. Пандемия нафақат тиббиёт, балки иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларига қақшатқич зарба берди. Айниқса, ишсизлар сонининг кескин даражада ортishi бир қанча мамлакатлар учун жиддий муаммога айланди.

# ИШСИЗ

## қолган фуқаролар бандлиги қандай таъминланмоқда?

Афсуски, бу ҳолат мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Юртимизда ўрнатилган карантин шароити, қолаверса, чет мамлакатларга чиқишдаги муаммолар туфайли ҳар йили хориз давлатларига ишлаш учун борадиган фуқароларимиз ўз иш жойидан, доимий даромадидан маҳрум бўлди. Қолаверса, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми кескин камайиши туфайли кўпчилик фуқаролар моддий тушумларсиз қолиб кетди.

— Карантин чекловлари сабабли чет элга ишга боролмай қолган ва вақтинча ишсиз қолган фуқаролар бандлигини таъминлаш масаласи бугун энг долзарб вазифа, — дейди **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги масъул ходими Шаҳноза Равшанова**. — Шу нуқтаи назардан, Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз аҳоли «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» дастурлари доирасидаги қурилиш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳақ этилмоқда. Шунингдек, яққа-ёлғиз, ўзгалар кўмагига муҳтож аҳолини парвариш, «Кўчма савдо марказлари»да сотувчи, қўшимча ташкил этилган блок-постларга посбон каби жами 20га яқин йўналиш бўйича иш билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, чет элга ишга боролмай қолган фуқаролар пойтахтимизнинг Сергели ва Олмазор туманлари ҳамда Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги қурилиш ишларига жойлаштирилмоқда.

### Ишсиз фуқаролар ислохотларни нега ўз ҳаётида ҳис этмаяпти?

Бироқ бу саъй-ҳаракатларга қарамай, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Афсуски, юртимиздаги ишсиз фуқароларнинг ҳаммаси ҳам бугун ислохотларни ўз ҳаётида ҳис этаётгани йўқ. — Бандлик масаласи ҳар қачонгидан да, долзарб бўлиб турган шу

**Дарвоқе...**  
Жорий йил май ойида 230 минг 243 нафар фуқаро жамоат ишларига жалб этилиб, уларга ҳақ тўлаш учун 1,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

кунларда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида депутатлар томонидан «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинган** долзарб аҳамиятга эга. — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Қулматов**. — Қайд этиш жоиз, амалдаги — «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун меҳнат ва бандлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳамда долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилмаган. Янги тахрирдаги қонунда белгиланганидек, меҳнат органлари билан тузилган шартномалар асосида аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи агентлар амалиётга киритилмоқда. Уларга ишсиз аҳолини ишга жойлаштиришда кўмаклашганлиги учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган миқдорда рағбатлантирувчи тўловлар амалга оширилади. Шунингдек, бугунги кунда иш-

сизлик нафақаси илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидирётган шахслар учун 180 минг 224 сўм бўлса, эндиликда бу 509 минг 492 сўм (меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 75 фоизи) этиб белгиланди. Жисмоний шахсларга энгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ажратилган субсидиялар миқдори сезиларли миқдорда оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳужжатда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қарорлар берилмоқда. Хусусан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан субсидиялар иш берувчиларга меҳнат органларининг йўлнамаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш учун — ҳар бир ходимга 6 ой давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 баравари миқдоридан ажратилади.

**Камбағалликни аниқлаш бўйича аниқ мезон йўқ, нега?**  
Яна бир гап. Бугунги кунда ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларга

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғчилик, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилишга кўмаклашиш орқали мамлакатимизда камбағал аҳоли қатламини қисқартириш, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ажратилмоқда. Биргина май ойида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аҳолига 60 миллиард сўмдан зиёд субсидиялар берилди. Бироқ масала шуки, бу маблағларнинг қанчаси ҳақиқий эгаларига етиб бормоқда!

— Дарҳақиқат, субсидияларнинг ҳақиқий эгаларига ажратилишида муаммоларнинг борлиги ҳақиқат, — дейди **Шаҳноза Равшанова**. — Бунга асосий сабаб эса мамлакатимизда камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонларининг йўқлигидир. Мисол учун, кимдир доимий иш билан таъминланган, лекин етарли даромадга эга эмас. Кимдир эса ишламайди, аммо ўзининг шахсий автомашинаси бор. Аслида давлат томонидан ажратилган субсидияларни олиш учун фуқаро ҳудудлардаги бандлик марказларига фақат ариза билан мурожаат қилиши kifоя. Бироқ юқоридаги каби ҳолатлар сабабли кўпчилик субсидияларни ажратишда муаммолар юзага келади. Шундай вақтларда масъуллар фуқародан қўшимча ҳужжатлар талаб қилишга мажбур бўлади. Ҳайлайманки, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонларига аниқлик киритилса, бундай англашилмовчиликлар ўз-ўзидан барҳам топади.



**Хулоса ўрнида**  
Бир сўз билан айтганда, бугунги пандемия шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий эҳтиёжманд қатламга, доимий даромадидан маҳрум бўлган инсонларга кўмак бериш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳар қачонгидан да муҳим. Шундай экан, бу йўлда барча имкониятларни ишга солиш, ишсизликни камайитиришга доир барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарур.

**Саъдулло ТУРСУНОВ**  
«Mahalla»

ЙХХББ «тонировка» нархи тушиши кутилаётгани ҳақида тарқалган гап-сўзларни рад этди.

**Т**ахририятимиз телеграм канали (Mahalladosh.uz)га Бухоро туманидаги «Работипоён» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Самад Халилов мурожаат қилиб, маҳалла аҳли сувсизликдан азият чекаётганини маълум қилди.

— Маҳалламизда 6 минг аҳолининг 300 гектардан ошиқ экин майдони, томорқаси бор, — дейди **С.Халилов**. — Афсуски, бу ерларни сугоришда бир асрдан бери фойдаланиб келинаётган ариқ кўмиб ташланган. Томорқа эгалари сувсизликдан азият чекмоқда. Мурожаат қилмаган ташкилот, орган, вазирлик қолмади. Аҳолининг таънали саволларига жавоб бера олмай қолдим. Мазкур масалада бизга ёрдам берсангиз.

Дарҳақиқат, айна кунларда

— Сабаби, илгари тўлиб-тошиб оққан ариқ, канал, зовурларнинг кўпи бугун кўмилиб кетган. Шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам хонадонлар, маҳаллалар ичидан ўтиб келаётган ариқлар аҳоли ташлаган чиқиндилар ёки ноқонуний қурилмалар оқибатида тўлиб қолган.

Сугориш тизимида тарқатилган сувларнинг ҳам тарозиси бор, «лимит»и бўлиб, уни фермерга, томорқа эгасига тақсимлашда турли ўйинлар мавжудлигидан кўз юмолмаймиз. Баъзида фермер-



# ТОМОРҚАЧИЛАР СУВСИЗЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕКМОҚДА

муаммонинг республика доирасидаги ечими қандай?



республикаимиз миқёсида томорқа ерларини сугориш билан боғлиқ вазият мақтанарли эмас. Айниқса, томорқада нумли фойдаланишга доир талаблар, қаровсиз қолдирилган ерлар учун жавобгарлик кучайтирилгани томорқасига сув бормайдиган қишлоқларни ўйлантириб қўйди.

Хўш, мазкур муаммо қачон ва қандай ҳал бўлади? Юқоридаги мурожаатга мутахассислар қандай жавоб қайтаришади?

## Депутатлар нима дейди?

— Аҳоли ўртасида олиб борилган ўрганишлар ирригация тизимининг катта ислохотларга муҳтожлигини кўрсатди, — дейди **Олий Мажлис депутати Гулбахор Сайидганиева**.

лар томорқа эгаларига сув бермаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Бу эса соҳада жиддий ўзгаришларга зарурат туғдирамоқда.

Биринчидан, томчилик ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини ривожлантириш зарур. Иккинчидан, сув йўлларини очиш, ёз кунларида сув буғланиб кетишининг олдини олиш учун ариқлар четда дарахтлар экиш керак. Учинчидан, туман марказларида зах сувни қочирадиган дренажлар қурилса, ҳам аҳоли яшайдиган жойларнинг захлаши олди олинади, ҳам шу сувни полиэтилен қувурлар билан қишлоқлардаги томорқаларни сугориш учун тортиб келиш мумкин.

## Аҳоли кимга мурожаат қилсин?

— Бу муаммо билан, асосан, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлиги шуғулланади, — дейди **Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши етакчи мутахассиси Мелис Тилолов**. — Биз фақат зарур ҳолларда томорқа эгаларига артезиан қудуқларини қазиб беришимиз мумкин, холос.

Мутахассиснинг бу жавобидан кейин ўрни келганда бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим топдик. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви, Қишлоқ

хўжалиги вазирлигининг «Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг аъзолик бадалини Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ўтказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида томорқа ер эгалари аъзолик бадали тўлайди. Балки томорқадаги сувсизлик муаммосига ечим топиш Кенгаш зиммасидаги тўғридан-тўғри вазифа ҳисобланмас. Лекин бадал тўловчи сифатида, гарчи ихтиёрий бўлса ҳам, томорқа ер эгалари Кенгашдан ёрдам сўрашга ҳақли. Ҳеч бўлмаса, муаммоларни тегишли вазирликка тақдим этиб, ечими бўйича амалий кўмак берса бўлади-ку!

## Таъминотчи — Сув истеъмолчилари уюшмалари

— «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 53-моддасида томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган, — дейди **Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби Шухрат Сунонов**. — Фуқароларнинг экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сугориш учун сув ресурсларини ажратиш сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сув олиш лимит-

ларида назарда тутилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экинзор ва томорқа ер участкаларини сугориш учун сувга эҳтиёжни умумлаштиради, шартномалар тузади ва улар ўртасида сувни истеъмол қилиш тартибини белгилайди, сугориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланса-да, вазирлигимиз томонидан томорқа майдонларини сугоришда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Масалан, яқинда Нукус тумани Кердер овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи аҳоли вакиллари номидан Дуйсенбай Сейлханов мурожаат қилган эди. Мурожаат Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳал этилди. Нукус туманидаги Кердер овул фуқаролар йиғини ҳудудида «Р-3-1» ички каналнинг 500 метр қисми қазилиб, томорқа майдонларига сув етказиб берилди.

Бухоро туманидаги ҳолат бўйича ҳам мутахассисларимиз ўрганиш олиб боради. Тез кунларда натижасини маълум қиламиз.

Натижани, албатта, кутамиз. Ахир, вақтида сув ичмаган томорқалардан қуттилган ҳосилни олиш мумкинми? Кейинги сонларимизда ушбу мавзуга яна қайтамиз.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ**  
«Mahalla»

## Дарвоқе...

Республикадаги сувсизлик муаммосини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган бўлиб, унда соҳавий масалалар ва уларнинг ечими аниқ белгиланган.

Ободонлаштириш бошқармалари таркибида дарахтларни химоя қилиш бўлимлари ташкил этилади.

# Афв этилганларнинг

# 164 нафари

# тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари эди



**И**нсон зоти борки, хато қилади. Хато эса ҳар доим ҳам кечирилавермайди. Аммо бир марта билиб-билмай қилган айби учун киши чин дилдан пушаймон бўлса-да, унинг бутун умри товон тўлаш билан ўтиши ҳам тўғри эмас. Зеро, кечиримлилик, раҳм-шафқатли бўлиш — инсониятнинг энг улугъ фазилатларидан бири.

Мана, бир неча йилдирки, давлатимиз томонидан жазони ижро этиш муассасаларидаги билиб-билмай жиноятга қўл урган, ўз айбига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳбуслар афв этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 8 марта афв этиш бўйича фармон имзоланиб, ижро 4 мингдан ортиқ маҳкумга нисбатан қўлланилди. Шундан 1 минг 999 нафар маҳкум озодликка чиқарилиб, 2 минг нафардан ортигининг жазоси енгилроғига алмаштирилди.

Жорий йил 22 апрель кунини Юртбошимиз Рамазон ҳайити муносабати билан жазо муддатини ўтаётган, қилишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 258 фуқарони афв этди. Афв этилганлардан 164 нафари тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари эди.

## «20 йил қамоқда ўтирдим...»

Пойтахтимизнинг «Камолон» маҳалласида жойлашган Мусаевлар хонадонини ҳам ота дийдорига муштоқ эди. 20 йил деганда уйига қайтган Бахтиёр акани фарзандлари ва ўндан ортиқ набиралари қувонч ёшлари билан қутиб олдилар.

— Ушанда 1998 йил эди, — дея хотирлади **Б. Мусаев**. — Турмуш ўртоғим вафот этгач, тўрт боламга ҳам ота, ҳам она бўлиб қолгандим. Ресторанда ишлардим. У ерда ярим кечасигача қолиб кетганим учун болаларим ёлғиз қолишини ўйлаб, ишимни ташладим ва устачилик қила бошладим. Янги қурилган иморатларда ишлардим. Аёлимнинг бевақт ўлими билан боғлиқ изтиробни намоз ўқиш билан енгилга ҳаракат қилдим. Дўстларим билан ҳалол меҳнат қилар, намоз ўқир

эдик. Аммо намоз ўқиш билан чекланмай, кўпроқ илм эгаллаш истаги ҳам бор эди. Шу тариқа биз диний оқимга аъзо бўлдик. Эндигина илк диний сабоқларни олаётганимизда эса бизни ушлаб, қамоққа олишди. Оқимга кўшилганимдан қаттиқ пушаймонлигимни айтганман. Намозхон одам ҳар қандай шароитда ҳам намозни адо қилишга интилади. 2000 йилларда қамоқхонада намоз ўқиш тақиқланган, кимдир бекитиб намоз ўқигани маълум бўлиб қолса, «кесилган» йилига йил қўшиб берилар эди. Шунинг оқибатида менга тайинланган жазо муддати ҳам узайиб кетди.

**Айтишга осон, аммо тақдирнинг бу аччиқ битикларини босиб ўтиш аслида осон бўлмаган. Қўли қонга ботмаган бу одамга керагидан ортиқ жазо берилган. Фарзандлари эса онасидан айрилгани етмаганидек, қамоққа кетаётган отасининг ортидан кекса бувиси билан бирга бўзлаб қолаверган.**

— Президентимизнинг айнан ҳайит арафасида бундай хайрли ишларни амалга оширганидан миннатдорман, — дейди **Б. Мусаев**. — Бу улугъ айёмни оила билан бирга ўтказишни йиллар давомида орзу қилиб яшадим. Айнан шу мақсадда давлатимиз раҳбарига чин дилдан кечирим

## Дарвоқе...

Афв этилган шахсларнинг 16 нафари асосий жазодан озод этилди, 101 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди. 24 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазосининг енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 117 шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 7 нафари 60 ёшдан ошган эркак, 1 нафари аёл, 7 нафари чет давлат фуқаролари, 164 нафари тақиқланган ташкилотлар иштирокчиларидир.

сўраб, афв этишлари учун мурожаат қилгандим. Мурожаатим беъэтибор қолмаганини эшитган лаҳзамни тасвирлаб беролмайман. Қамоққа ўтган асрда кетгандим, XXI асрда эса уйга қайтдим. Йўл-йўлакай шаҳардаги ўзгаришлардан ҳайратга тушдим. Ҳаёт ҳақиқатан ҳар томонлама ўзгарибди. Бу ўзгаришлар ҳатто қамоқда ҳам сезилган. Шароитлар яхшиланиб, бизга одамдай муносабат қила бошлашди. Намоз ўқиганимиз учун ҳеч ким таъқиб қилмай қўйди.

Оила бошлиғи қамоқда эканида, унинг икки ўғли ва икки қизи нафақат ота меҳрисиз улғайди, балки ҳаётда ўз ўринларини ҳам топди. Бунда уларнинг болалигидан касб-ҳунарга ўргатилгани иш берди. Фақат армонли томони шундаки, уларга тўй кунини отанинг оқ фотиҳасини олиш насиб қилмади. Ўғлининг йўлига ўн йил кўз тиккан онаизор эса 93 ёшида бандаликни бажо келтирди. Дийдор қиёматга қолди.

## Кечиримлилик — халқимизга хос фазилат

— Айни пайтда фармон ижроси таъминланиб, афв этилган шахслар оиласи ва яқинлари бағрига қайтди, — дейди **Самарқанд вилояти суди раиси ўринбосари Ўткир Мамадалиев**. — Самарқанд вилоятидаги жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 159 нафар маҳкум муддатидан аввал жазони ўташдан шартли озод қилинди. 14 нафар маҳкумга тайинланган жазо енгилроғига билан алмаштирилди. Озод қилинган маҳкумлардан 56 нафарини ёшлар ташкил қилади. Юртбошимиз томонидан берилган афв ушбу ёшлар учун ҳаётда ўз ўрнини топишларида қатта имконият ҳисобланади. Яшаш жойига етиб келган ушбу шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Яқин кунларда бандлигини таъминлаш ва фуқаролик паспортларини олишлари бўйича амалий ёрдам кўрсатилади.

Кимнингдир тўғри хулоса чиқариши, ўз йўлини топиб халқи учун астойдил меҳнат қилиши кўзланган мақсадларнинг энг олийсидир. Зеро, умр — ҳар биримиз учун берилган жуда қисқа неъмат. Уни чиройли яшаш учун эса баъзан аччиқ сабоқларни ҳам бошдан кечирिशга тўғри келади.

Дарҳақиқат, бутунги кунда жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан фуқароларга белгиланган тартибда моддий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўридан ўтказиш, ишга жойлаштириш тадбирлари барча ҳудудларда бирдек амалга оширилмоқда.

Зеро, юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг моҳияти ҳам шунда — адашганга тўғри йўл кўрсатиш, қайта қоқилмаслиги учун қўмақлашиш.

**Нилуфар ЮНУСОВА**  
«Mahalla»

Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази Маданият вазирлиги тизимида ўтказилади.

**Т**ранспортлар ҳаракати жадаллик билан ўсиб бораётган бугунги даврда уларни тартибга солиш, тирбандликларнинг олдини олиш, инновацион ва инфраструктуравий ечимлар топиш муҳим вазифа. Бунда, табиийки, йўллар учун ажратилган ерлардан унумли фойдаланиш, замонавий кўприклар барпо этиш орқали кутилган натижага эришиш мумкин.

# ТОШКЕНТДА

## замонавий йўл ўтказгичларнинг янги авлоди пайдо бўлди

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 20 май куни Тошкент шаҳрида Оҳангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесишмасидаги йўл ўтказгични кўздан кечирди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида юртимиз йўлсозлик соҳасида жуда катта тажриба тўплади, қанчадан-қанча кўприклар қад ростлади. Ушбу иншоотлар пойтахтимиз кўчаларида автотранспорт қатновидаги тирбандликларга ечим топишга хизмат қилди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида кейинги пайтда йўл ўтказмаларига эҳтиёж ошиб бораётир. Зеро, охириги уч йилда енгил автомобиллар сони 95 мингтага кўпайди.

олган ҳолда қурилди. Президентимиз иншоотга тамал тоши қўйилган кундан бери бу ерга бир неча бор ташриф буюрди. Ҳар гал йўл ўтказгични замонавий технологиялар воситасида сифатли барпо этиш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш нуқтаи назаридан зарур кўрсатмаларни бериб борди.

Қайд этиш керак, юртимизда барпо этилган бу илк уч қаватли кўприк лойиҳасини «Боштранслоиҳа» акциядорлик жамияти му-

рон шоссесини боғловчи қисмда узунлиги 502 метр, кенлиги 26,7 метр, баландлиги 5,5 метрдан иборат туннель (кўприкнинг қуйи қисми) қурилди. Мазкур туннель орқали автомобиллар икки йўналишда, уч қатор бўлиб ҳаракатланади. Иккинчи босқичда Қорасув кўчасидан Махтумқули кўчасига чиқувчи йўлнинг мазкур туннель устидан ўтган қисмида айланма кўприк қуриш ишлари бажарилди. Узунлиги 29 метр, кенлиги 24,5 метр, 5 тасмали бўлган мазкур янги транспорт боғламаси орқали 4 йўналишда ҳаракатланиш имконияти юзага келди. Кейинги босқичда эса кўприкнинг учинчи қисми барпо этилиб, у Махтумқули ва Темур Малик кўчаларини туташтирган. Йўл ўтказгичнинг умумий узунлиги 593 метр, ҳалқа шаклидаги ўрта поғона 29 метр, эстакада қисми 502 метрни ташкил этади. Туннель ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса беш қаторлидир.

### Қулайлик ва кўркамлик жо бўлган

— Иншоотни қуришда замонавий технологиялар инobatта олинган лойиҳа асосида иш олиб борилди, — дейди «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси муҳандиси Азизбек Носиров. — Мазкур қурилиш хориж технологияси қўлланилган ҳолда 100 фоиз маҳаллий бунёдкорлар иштирокида амалга оширилди. Ноёб йўл ўтказгич транспорт ҳаракати учун қулайлик яратиб қолмай, пойтахтимиз қиёфасига ўзгача кўркам бағишлаши билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Хусусан, туннель йўлининг ўрта қисмида 600 метр масофага томчилатиб сугориш усулида гуллар ўтказилган. 15

минг кв.метр майдон ободонлаштирилиб, 610 туп манзарали дарахт, 5300 туп буга кўчати экилган. Шунингдек, 170 та замонавий энерготежамкор ёритиш устунлари ўрнатилган.

Илгари бу чорраҳа соатига 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди эса соатига 20 мингта транспорт воситасини узлуксиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу ерда светофор йўқлиги ҳам тўхтовсиз ҳаракатни таъминлайди. Яна бир жиҳати — янги объект катта юкларни ўзига олиб, «Тошкент — Чимён» йўналиши бўйича масофани 22 километрга қисқартирди.

— Муҳташам иншоотнинг барпо этилиши бизга эртадек туюляпти, — дейди «Авайхон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шокиржон Рискулов. — Бундай кўприкларнинг фақат чет элда қуриладик. Уни томоша қилиб одамнинг кўзи қувонади. Атрофи паркни эслатади. Маҳалламиз ахли учун бу жой сайроғога айланган десам, хато эмас. Олдинги манзара билан умуман солиштириб бўлмайди. Айниқса, кечани кеча, кундузни кундуз демай, қору ёмғир, жазирамага қарамай меҳнат қилган муҳандису ишчиларга тасаннолар айтамин. Уларнинг матонати ва шижоати билан ушбу кўприк қад ростлади.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига асосан, мазкур иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилди. Хайдовчилар хурсандчилигининг чеки йўқ. Эндиликда йўл ўтказгич бўйлаб транспорт воситалари эркин ва муаммосиз ҳаракатланмоқда, манзилга етиб олиш осонлашмоқда.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»



Худудлардан пойтахтга келиб-кетаётган машиналар сони ҳам ортмоқда. Шу боис кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш мақсадида ўтган 3 йилда 4 та йўл ўтказгич кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистонда илк марта барпо этилган ушбу уч қаватли иншоот эса мамлакатимиз йўл қурилиш соҳасида янги саҳифа очди.

### Президентимиз қурилиш жараёнини кузатиб борди

Ушбу кўприк аҳоли талаб ва эҳтиёжлари ҳамда пойтахтимизнинг келгуси ривожланишини инobatта

тахассислари ишлаб чиққан. Унда кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш алоҳида ҳисобга олинган.

Оҳангарон шоссеси — Тошкент ҳалқа йўли билан туташган. Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, бу йўлларда транспорт ҳаракати янада ортган эди. Бу икки кўча кесишмасида 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рўёбга чиқиб, хайдовчиларга катта қулайлик яратди.

Лойиҳанинг биринчи босқичи, яъни Паркент кўчаси ва Оҳанга-

Ўзбекистонда дастлабки пуллик йўллар 2023 йилдан кейин қурилади.

**А**срлар давомида тарихдан гувоҳлик берувчи кўглаб бинолар, иншоотлар урушлар, ёнғинлар ва вайроңагарчиликлар сабаб ер юзидан йўқолиб кетди. Ҳозир уларнинг қандай кўринишда бўлгани, нималарни ўз ичига олгани ҳақида фақат тахмин қиламиз. Шу ҳақда сўз кетар экан, бугунгача етиб келган маданий ёдгорликлар ҳам кун келиб йўқликка юз тутадими, деган шубҳа уйғонади.



# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ҚАЧОН АМАЛГА ОШАДИ?



беш-ўн йил ичида маълум даражада ўзгаришга учрашини инкор этиб бўлмайди.

асраб-авайлаш, тарғиб қилишда замонавий технологияларни қўллашга кечикаётганимиз афсусланарли.

ликларнинг 3D формати ишлаб чиқилади. Эътиборлиси, бу ишларни 2021 йилгача яқунлаш режалаштирилган.

Кутилмаган офатлар хавфини қўйиб турайлик, вақт синовининг ўзиёқ уларнинг абадий сақланиб қолмаслигидан далолат беради. Аммо эндиликда замонавий технологиялар ҳар қандай иншоотнинг нафақат тарихдан буткул ўчиб кетишининг олдини олиш, балки айни пайтдаги кўринишини сақлаб қолишга ҳам имкон беради. Гап йил сайин такомиллашиб бораётган 3D-моделлаштириш ва сканерлаш соҳасидаги технологиялар имконияти ҳақида кетаётганини сезган бўлсангиз керак. Албатта, бу рақамли технология вайроңага айланган кўҳна обиданинг асл қиёфаси, яъни ташқи ва ички кўринишидан тортиб, энг кичик элементларига бевосита танишиш ва уни қайта тиклашга ёрдам беради. Аҳамиятлиси, сайёҳлар ёдгорликни манзилига бормасдан туриб 3D-модели орқали уни гўё жонлидек томоша қилишлари мумкин бўлади.

Шу маънода бой ва шонли ўтмишга эга юртимизда жойлашган тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Аждодларимиздан мерос бебаҳо обидаларимизнинг табиий умри ҳақида сўз юритилар экан, уларнинг аксарияти тупроқлойдан тикланганини ҳисобга олишимиз керак. Бу эса обидаларнинг қанчаси 200-300 йилгача етиб боришини савол остига қўяди. Қолаверса, ҳар йили юз бераётган табиий ва техноген ҳодисалар ҳам ўз таъсирига ўтказмай қолмайди. Мисол учун, ўтган йили Самарқандга сел келганида тарихий обидалар хавф остида қолганди. Ёки пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси марказида чиққан ёнғин ҳудуддаги меъморий ёдгорликка зарар етказганди. Умуман олганда, шусиз ҳам ушбу иншоотларнинг бугунги ҳолати

Шундай экан, соҳага замонавий технологиялар жорий этил-яптими? Айтайлик, биз қачон Регистоннинг 3D-модели билан танишиш имконига эга бўламиз? Дунёда бу борада қандай тажриба тўпланган?

## Бу ишларга ҳали навбат етмаган(ми)?

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти бош меъмори Баҳодир Матчоновнинг айтишича, бугунги кунда юртимиздаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва реставрация қилиш бўйича қизғин ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда шу йўналишда йиғилиб қолган қатор муаммоларни ечиш ҳам кун тартибда турибди ва бу борада иш олиб борилмоқда. Аммо маданий мерос объектларининг 3D-моделларини яратишга ҳали қўл урилмаган. Ҳозирча мамлакатимизда бу йўналишда қилинаётган ишлар музейларни қамраб оляпти, холос.

Дунёда Ўзбекистон каби тарихий обидаларга бой мамлакат бармоқ билан санарли. Бошқача айтганда, маданий ёдгорликлар — ўзлгимиз кўзгуси, миллатимизнинг асл бойлиги. Аммо уларни

## Дарвоқе...

«Viasat History» канали Амир Темур бобомиз қурдирган Оксарой аслида қандай бўлганини жонлантирган лавҳа яратди. Лавҳада кўҳна обиданинг ўз давридаги кўриниши, салобати, гузаллиги бор бўйи билан намоён бўлган. Уни томоша қилган киши тарихимизнинг шонли даврларига бориб қолгандек бўлади.

## Жаҳон тажрибаси қандай?

— Маданий мерос объектларини рақамли технологияларга кўчириш бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ, — дейди ТАТУ тадқиқотчиси Дилшод Халилов. — Бундай ҳаракатлар анча олдин бошланган. Улардан энг машҳури 2003 йилда яратилган СуАрк лойиҳасидир. Лойиҳа муаллифлари ишни ЮНЕСКО умумжаҳон мероси объектларининг рақамли нусхаларини лазерли сканерлаш ёрдамида яратишдан бошлашган. Кейинчалик СуАрк ва Google тарихий ёдгорликларга виртуал ташриф буорилиш имконини берадиган Очқик мерос лойиҳасини яратдилар.

Дарҳақиқат, технологик ечимлар тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга ёки қисман вайрон бўлган иншоотларнинг кўринишини тирилтириши мумкин. Мисол учун, 2019 йил 16 апрель кунини Париждаги Нотр-Дам собори ёнғин ичида қолиб, бино томи қулаб тушди. Узоқ тарихга эга бўлган бу собор санокли соатлар ичида юзлаб одамлар кўз ўнгида дярли йўқликка юз тутди. Аммо 3D-модели орқали уни қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бунга фақат ривожланган мамлакатлардагина эришилаётгани йўқ. Айтайлик, Украинада Киевдаги қайта тикланишга муҳтож ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган тарихий биноларнинг интерактив харитасини тузишга киришилган. Бунда Нотр-Дамда ишлатилган технологиялардан фойдаланиб, уларнинг 3D нусхалари яратилади.

Ёки Қозғистонда ҳам тарихий ёдгорликларнинг 3D-моделини яратиш бошлаб юборилди. Унга кўра, энг ноёб китоблар, қўлёзмалар, картина ва фоторасмлар, шунингдек, архив ҳужжатларининг рақамли форматда сақланиши кўзда тутилган. Археологик ёдгор-

## Тараққиёт билан уйғунлашолмаяпмиз

Нега биз бу масалада шошилмаяпмиз? Музейларимиз 3D форматта кўчирилибди-ку, ҳаммаси аста-секинлик билан-да, дерсиз. Аммо музейлар борасида тўтланган «тажриба» кишини илҳомлантириш ўрнига қизиқишини сўндиради. Жумладан, Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи давлат музейларининг 3D-моделларини олиб кўрайлик. 3D формат деганда аниқлик, объектни яқиндан кўриш, ўзингни жараённинг ичида ҳис қилиш имконияти тушунилади. Ушбу моделлар эса объектнинг жонсиз макетини кўргандек ҳис уйғотади. Унинг ўрнида видеотасвирини томоша қилсангиз ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Демак, мазкур йўналишда айтирли тажрибамиз ҳам йўқ.

Жаҳон амалиётида йўқолиб кетган обидаларни илғор технологиялар ёрдамида қайта тирилтириш устида иш олиб борилмоқда. Бизда эса борларини моделлаштиришга ҳам киришилгани йўқ. Бу нимадан далолат беради? Албатта, маданий ёдгорликларимизга берадир, десак адолатдан бўлмайди. Давлатимиз томонидан ҳам, соҳа мутасаддилари томонидан ҳам уларни сақлаб қолиш, умрини узайтириш борасида муайян ишлар қилинган. Аммо мазкур ишларни тараққиёт нафаси, фантехника имкониятлари билан уйғунлаштиришда сусткашлик кузатилаётгани ачинарли. Бу эса замондан орқада қолишимизга, энг ёмони, бора-бора тарихий обидаларнинг бугунги ҳолатини йўқотиб қўйишимизга олиб келади. Номланишида рақамлаштириш соҳасини ривожлантиришга уруғ берилган ушбу йилда бу масала эътибордан четда қолаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

Хорижлик инвесторлар учун кўзда тутилган имтиёзлар энди маҳаллий хусусий сармоядорлар учун ҳам жорий қилинади.

**А**йни пайтда солиқларни тўлаш тизимини рақамлаштириш биринчи навбатда, солиқ тўловчиларнинг эҳтиёж ва имкониятларига қаратилган. Тизим қанчалик қулай ва содда бўлса, ҳар бир фуқаро учун давлат олдидаги барча солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш шунчалик осон бўлади.



# СОЛИҚ ТИЗИМИНИ рақамлаштириш фойда келтиряпти(ми?)

Ўтган йили «Солиқларни автоматлаштирилган йиғиш тизими» – «САИТ» давлат солиқ қўмитасининг сўнгги ва муваффақиятли янгиликларидан бири бўлган. Ушбу лойиҳа 2019 йилда Наманган вилоятида синов тартибида жорий этилди.

Хўш, ушбу вақт мобайнида солиқ тизимини рақамлаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Лойиҳа қўзланган натижани бера олдимми?

## Дастур орқали 43,5 млрд. сўм солиқлар ундирилди

— Ўтказилган таҳлилларга кўра, солиқларни автоматлаштирилган йиғиш тизими туфайли солиқ инспекторларининг иш самарадорлиги 2-3 бараварга ошди, — дейди Давлат солиқ қўмитасининг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Зарифжон Зокиров. — Мисол учун, Наманган вилоятида аҳоли махсус қурилма (терминал) ёрдамида «САИТ» дастури ишга туширилганлиги ҳақида хабардор этилди. Агар солиқ инспекторида бундай қурилма бўлмаса, уларга солиқ тўламаслик ҳуқуқи берилди. Натижада 2019 йил 1 чорақда 125 нафар солиқ инспектори томонидан 9,4 млрд. сўм маҳаллий солиқлар йиғилган (1 нафар солиқ хизматчисига ўртача 75 млн. сўмдан тўғри келган) бўлса, «САИТ» тизими орқали 2020 йилнинг I чорагида 27 млрд. сўм солиқ ундирилди (1 нафар солиқ хизматчисига ўртача 177 млн. сўмдан тўғри келган). Ҳокимият органлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг ошириб бажарилган қисмидан 1 959 дона терминал сотиб олиш учун 8,4 млрд. сўм маблағ ажратилди.

«САИТ» дастури орқали солиқ тўловчига берилган чек одатдагидан фарқ қилади. Унда солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар, шунингдек, солиқ хизмати органи ходимининг маълумотлари мавжуд бўлади ва солиқ тўловчининг мобил телефон рақамига солиқ тўлови амалга оширилган-

лиги тўғрисида SMS хабар ҳам боради. Бундан ташқари, ҳудудидаги мол-мулк ва ер солиқларидан қарздорлиги мавжуд жисмоний шахсларни инспекторнинг навигатор тизими (GPS) орқали аниқлаш имконияти яратилган.

«САИТ» тизими солиқ инспекторига солиқларни мустақил равишда йиғиш ва бир вақтнинг ўзида амалга оширган ишларини қайд этиш имконини беради. Шу билан бирга, диспетчерлик web иловаси орқали унинг реал вақт режимида амалга оширган ишлари баҳолаб борилади.

Йил бошидан буён Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 1 118 дона терминал тўлиқ ишга туширилди. Мазкур ҳудудларда «САИТ» дастури орқали 2020 йил январь-апрель ойларида маҳаллий бюджетларга 43,5 млрд. сўм солиқ ундирилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, «САИТ» тизими республиканинг барча ҳудудларида тўлиқ жорий этилиши 2020 йилда маҳаллий солиқлардан қўшимча 285 млрд. сўм маблағ тушириш имкониятини беради. Бу эса терминаллар учун сарфланган маблағларга нисбатан 35 бараварга кўп демакдир.

## Виртуал кассалардан «тушумлар»ни яшириб бўлмайди

— Бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали солиқ тўловчилар билан мулоқотни шаффофлик ва ўзаро ҳамкорлик тамойиллари асосида йўлга қўймоқда, — дейди Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ текширувлари ва мавзули экспресс-ўрганишлар бошқармаси бошлиғи

Акmalжон Расулов. — Давлат солиқ қўмитаси тадбиркорлик субъектларини онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассалардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш бўйича ишларни давом эттирмоқда. Айни вақтга қадар 5 турдаги онлайн-НКМ, 4 турдаги виртуал касса ва 7 та техник хизмат кўрсатиш маркази Давлат реестрига киритилди.

Ҳозиргача 21 мингга яқин алкоголь, тамаки, дори воситалари савдоси билан шуғуланувчи тадбиркорлик субъектлари, дўконлар ва автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчалари онлайн назорат-касса машиналари билан таъминланди.

Мамлакатимиз чакана бозорининг йирик иштирокчилари тўлиқ виртуал кассадан фойдаланишга ўтмоқда. Масалан, Korzinka.uz супермаркетлар тармоғи шулар жумласидан. Онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассадан фойдаланиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасини оширади. Маълумотлар базасида электрон чек сақланади, бу мунозарали масалаларни ҳал этишни соддалаштиради. Шунингдек, солиқ органлари билан ўзаро тезкор ҳамкорликни таъминлайди — маълумотларни реал вақт режимида узатиб боради.

Бундан ташқари, солиқ органларидан ҳақиқий тушумларни яширмасдан, шаффоф фаолият юритиш имкониятини тақдим этади. Буларнинг барчаси истеъмолчилар ва солиқ органлари билан ишончли муносабатларни мустаҳкамлашни кафолатлайди, компаниянинг ижобий имижини шакллантиради.

## Рақамлаштириш «яширин иқтисодийёт»га чек қўяди(ми?)

Юртимизда рақамлаштириш-

нинг кенг жорий этилаётгани натижасида электрон тижорат ривожланди. Telegram каналлари, Instagram, Facebook орқали уйдан чиқмасдан товарлар ва хизматларни сотиш амалга оширилмоқда. Бундай онлайн-дўконларнинг асортименти кўпинча тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ўртача дўконлардан фарқ қилмайди. Махсулот ёки хизмат ҳақини тўлашда, бундай «сотувчи»лар аксарият ҳолларда пулни жисмоний шахслар картасига (P2P) ўтказишни сўрашади. Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, мазкур «тадбиркорлар»нинг аксарияти давлат рўйхатидан ўтмаган. Улар даромадларини декларация қилмайди ва шу сабабли солиққа тортилмайди, бу «яширин иқтисодийёт»нинг ўсишига олиб келади. Бунинг олдини олиш борасида бир қанча лойиҳалар тайёрланмоқда.

Солиқлар йиғилувчанлигини янада ошириш учун Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси халқаро экспертлар билан биргаликда 2020 йил 1 январдан бошлаб солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш бўйича уч йиллик дастурни амалга оширмоқдалар.

Солиқ соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, хизматлар сифатини ошириш, жараёнларда инсон омили ара-лашувини чеклаш Давлат солиқ қўмитасининг асосий устувор вазифаси ҳисобланади. Бу коррупция ва «яширин иқтисодийёт»ни қисқартиришга ёрдам беради ва бизнеснинг шаффоф юртилишини таъминлайди.

«САИТ» терминалларини ишлатишнинг кейинги босқичида ҳужжатсиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, кадастри мавжуд бўлмаган объектлар ва ижара шартномаси тузмаган шахсларни электрон рўйхатини шакллантириб, қонуний ишлашга ўтишини назорат қилиш модули ишга туширилиши режалаштирилган.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»



Истанбулда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхонаси очилади.

# Юртимизга ЧИГИРТКА балоси ХАВФ СОЛЯПТИМИ?

# 2020

йил дунё, жумладан, мамлакатимизда ҳам офат ва талафотларга бисёр кечаётгани эфир эмас. Минг афсуски, кейинги пайтларда буларга яна чигиртка балоси ҳам қўшилгани таъкидланяпти. Аҳоли орасида Қашқадарё, Жиззах ва айрим бошқа вилоятларимиздаги яйлов, экинзорларга Туркменистон ва Тожикистон тарафдан сонсиз чигирткалар кириб, жиддий талафотлар етказяётгани тўғрисида миш-мишлар тарқалди.

Дарҳақиқат, чигиртка балоси минтақамиз учун янгилик эмас. Мисол учун, 2018 йилда Қозоғистонда бу ҳашаротлар 2 миллион гектар экинзорларни пайхон қилган эди. 2017 йилда балоудан Тожикистон жиддий зарар кўрган. Соҳа мутахассисларининг таҳлилларига кўра, жорий мавсум зарарли чигирткаларнинг ривожланиши ва тарқалиши учун жуда қулай келди. Шу боис май ойи охири ва июнь ойи бошларида ҳашаротларнинг юртимизга Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистондан учиб ўтиши хавфи мавжуд. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг катта қисми чўл ва қирликлардан иборат. Аксар ҳудудларимизда чигирткалар йўлини тўса оладиган баланд тоғлар кам. Бу зараркунандаларнинг кўшни давлатлардан кириб келиши учун қулай шароит яратади. Мазкур муаммо билан боғлиқ вазиятлар юзасидан тушунтириш олиш мақсадида «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Ражаббой Очиловга муурожаат қилдик.



## Техника ва кимёвий моддалар етарлими?

— Зарур чора-тадбирларнинг ўз вақтида кўрилиши натижасида сўнгги 4-5 йил ичида чигирткалар қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етказган ҳолатлар кузатилмаган, — дейди Р.Очилов. — Утган йили ҳам мавсумда Туркменистон ва Тожикистондан ҳашаротлар кириб келган. Аммо тезда кўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалигига бирор тарзда зарар етказишларига йўл қўйилмаган. Зеро, ҳудудларимизда кимёвий восита, зарур техникалар етарли. Туркменистон ҳам Ўзбекистондан 150 тадан ортиқ махсус пуркагич тракторларни харид қилган. Мамлакатимизнинг чўл ҳудудларида 1 млн. гектардан ортиқ чигиртка урчидиган ҳудуд мавжуд. Шу боис ҳар йили май ойи охири ва июнь ойи бошида, яъни чигиртка қа-

лот чиқаргандан сўнг «хужум»га тайёр туришимиз лозим. Айниқса, Қашқадарёнинг Қамаш, Ғузор, Деҳқонобод туманлари асосий хавф зонаси ҳисобланади. Давлатларимиз қишлоқ хўжалиги вазирликлари, чегара қўшинлари ўртасида битим тузилган. Унга кўра, қўшнилари вазият юзасидан бир-бирини зарур маълумот билан таъминлаб туради. Керак бўлганида ҳамкорликда бало ўчоқларини йўқ қилиш чоралари ҳам амалга оширилади.

503,4 минг гектар майдонларда ишлов ўтказиб, чигирткаларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига зарари бартараф этилган.

## Ярим миллион гектар майдон хавф остида

Ҳисоботларга кўра, жорий йилда республика бўйича зарарли чигирткалар 597,9 минг гектар майдонда тарқалиш хавфи мавжуд. Ҳозирги кунда кураш тадбирлари бўйича дастурлар ишлаб чиқилган. Кимёвий воситалар захираси тўлиқ яратилган. Бугунги кунгача зарарли чигирткалар 122,2 минг гектар майдонда тарқалганлиги аниқланиб, кимёвий усулда йўқ қилинди. Жараёнга 115 та трактор ОБХ пуркагичлари, 71 та моторли қўл пуркагичлари, 24 та автомашинага ўрнатилган пуркагичлар, 3 та мотодельтаплан, 40 та сув ташувчи машина ва 510 нафар ишчи жалб қилинган. Хавф ҳудуди ҳисобланган барча майдонларда кимёвий воситалар ва ёқилғимойлаш маҳсулотлари захираси яратилган.

## Янги очофат ҳашаротлар тури пайдо бўлган

Умуман, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ Озиқ-овқат ташкилотининг 2018 йилда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра бугун дунёда глобал иқлим иссиши натижасида чигирткалар фаоллашиб, жадал кўпайиши учун қулай шароит вужудга келяпти. Айни пайтда, уларнинг иштаҳаси ҳам очилган. Чўл чигирткаси бир кунда ўз танасига тенг миқдорда овқат ейди. Ҳар бир даража исиган ҳарорат чигирткалар етказадиган зарарни 10-25 фоиз кўпайтиряпти. Чўл чигирткаси кўпайиши дунё аҳолисининг 10 фоиз қисмига зарар етказиши, деган хавотирлар мавжуд. Шу боис мамлакатимизда зарур ҳимоя чораларини кўриш, балога қарши ҳамкорликда куралиши учун қўшни мамлакатлар билан биргаликда иш олиб бориш, керак бўлса, минтақавий хавфсизлик чораларини мувофиқлаштирувчи комиссиялар ташкил этиши айтилиб келиб келиши мумкин.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

## Дарвоқе...


Республикаимизда 150 дан ортиқ чигиртка тури тарқалган бўлиб, шулардан 10 таси қишлоқ хўжалик экинлари, яйловлар ва бошқа ўсимликларга катта зарар етказиши мумкин. Чигирткалар яшаш тарзига қараб 2 гуруҳга ажратилади. Булар тўда ҳосил қилиб яшовчи Марокаш, Осиё ва воҳа чигирткалари ҳамда тўда ҳосил қилмайдиган маҳаллий ҳашаротлардир.

Қозоғистон Ўзбекистон билан трансчегаравий сувларни бошқариш тўғрисидаги келишув лойиҳасини тақдим этди.

# БОЛАЛАР миллий тиббиёт маркази ўлимнинг олдини оладими?



**К**ўпчилигимиз шундаймиз, бирон жойимиз оғриси, чидаймиз, дўхтирга бормай ўзимизча даволанган бўламиз. Вақтни қизганамиз, гўёки саломатлигимиз иккинчи даражали масала. Аммо худо кўрсатмасин фарзандимиз оғриб қолса-чи?! Ҳамма ишни йиғиштириб, унинг дардини аритишга тушамиз. Дилбандимизнинг жони оғриб турса, ишимиздан унум, ҳаётимиздан мазмун йўқолади.



Энди жондан азиз фарзанди оғир дардга йўлиққан унга юртимиздан даво тополмаган, хорижда даволатишга эса маблағи йўқ ота-онанинг ҳолини тасаввур қилаверинг...

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда қад ростлаган Болалар миллий тиббиёт маркази ана шундай муаммоларга ечим топадиган, болажонларни оғир касалликларга йўлқилишининг олдини оладиган, дардманд ўғил-қизларни хасталиқдан, ота-оналарни жонсарақликдан халос этадиган масканга айланмоқда.

## Марказий Осиёда ягона тиббий бренд бўлади


Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, ҳар йили юртимизда 600 мингга яқин чақалоқ дунёга келади. Бу кичик рақам эмас. Шу боис давлатимиз болалар саломатлиги, миллат генофонди масаласига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Яшнобод туманида қад ростлаган 4-авлод болалар миллий тиббиёт маркази эса ушбу эзгу мақсадлар йўлидаги мега лойиҳадир. Эндиликда мамлакатимизда кардиология, неврология, урология, нефрология, онкология каби хасталикларнинг оғир даражалари билан оғриган болаларни халқаро стандартлар асосида даволаш имконияти вужудга келади.

Бундай замонавий смарт-марказлар бошқарувида халқаро тажрибадан фойдаланилади. Бу, ўз навбатида, келгусида катта салоҳиятга эга бўладиган клиниканинг Марказий Осиёдаги ягона тиббий бренд нуфузидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради. Супер инновацион тиббиёт марказининг яна бир хусусияти — бинонинг

ҳар бир қаватини заруратга қараб алоҳида мобил шифохонага айлантириш мумкинлигидир. Бу ерда бирорта қоғоз билан ишланмайди, тўлиғича электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилади.

## 4 авлод тиббиёт муассасаси нима дегани?

Бу шунчаки ўлчов ёки балиқпарвоз гап эмас. Мазкур даража — болалар касалликларига юқори аниқликда ташхис қўйиш ва инно-



вацион усулларда даволаш демакдир. Умумий қиймати 130 миллион АҚШ доллари бўлган ноёб лойиҳада Корея Республикасининг етакчи мутахассислари иштирок этди. Энг сўнгги инновацион технологияларнинг 70 фоиздан ортиги Европа ва Америкада ишлаб чиқарилган. Бинонинг қурилиши, хавфсизлик, иситиш, совутиш тизимлари жаҳон стандартларига тўлиқ мос келади. Минтақамизда ўхшашли йўқ муассаса лойиҳаси Корея Республикаси тиббиётининг ноёб андозлари асосида ишлаб чиқилган.

Қувонч билан таъкидлаш ўринлики, Болалар миллий тиббиёт марказининг ишга тушиши тиббиётимизга тамомла янгича руҳ олиб кирапти. 4 қаватли даволаш корпуси 280 ўринга эга бўлиб, марказда кунига 250 беморни

қабул қилиш ҳамда йилига 1500 та мураккаб ва ноёб, шу кунгача мамлакатимизда амалга оширилмаган жарроҳлик амалиётларини ўтказиш мумкин.

## Юртимиздаги барча болажонларга фойдаси тегади

Яқинда давлатимиз раҳбари мазкур марказда бўлиб, муассаса салоҳияти билан танишди. Ёш шифокорлар билан мулоқотда уларнинг шижоатига юксак баҳо берди, уларни миллий бойлигимиз, мамлакат тиббиётининг захираси, дея эътироф этди.

— Президентимиз ташаббуси билан Болалар миллий тиббиёт маркази учун кадр тайёрлаш мақсадида Жанубий Кореяга жўнатилган 19 нафар шифокор орасида

мен ҳам бир йил

давомида малака ошириб қайтдим, — дейди болалар гастроэнтерологи Зилола Ҳожиева.



— Таъкидлашни истардимки, Жанубий Корея соғлиқни сақлаш соҳасининг самарадорлиги болида жаҳон миқёсида 4-ўринда туради. Корея тиббиётида болалар гастроэнтерологиясини гепатология ва нутрициологияни мужассамлаштирган ҳолда олиб боришаркан. Нега? Чунки бу жаҳон стандарти, бутун дунё бўйича Гастроэнтерологлар, гепатолог-

лар ва нутрициологлар ассоциацияси тузилганки, мазкур соҳалар бири-бирини тақозо этади, ўзаро узвий боғлиқ. Ушбу амалиёт энди ўзимизда ҳам жорий этилади. Соғлом турмуш тарзи, овқатланишни тўғри ташкил этиш бўйича илғор тажрибаларни нафақат беморлар, балки юртимиздаги барча болалар учун йўналтирамиз. Кореянинг яна бир тажрибаси — функционал диагностика методларини гастроэнтерологлар амалга ошириши ҳам ажойиб услуб, чунки Ўзбекистонда бу ишни тор доира мутахассислари (эндоскопистлар) бажарилади. Марказда бу тажрибани қўлаймиз, албатта. Зеро, тезкорлик ва функционал диагностика методларини вақтида қўлай олиш ошқозон-ичак тизимида юзага келадиган кўпгина касалликларни эрта ташхислаш, касалликнинг оғир даражага ўтиб кетиши ёки унинг асоратлари олдини олишга имкон беради.

## Соғлом бола — юрт бойлиги

Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиёда, қолаверса, МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб барпо этилган Болалар миллий тиббиёт маркази тиббиётимизнинг улкан ютуғидир. Мазкур марказ юртимиздаги бошқа тиббиёт муассасалари учун намуна бўлиши билан бирга, уларнинг изчил ривожланишига туртки беради. Қувонарлиси, дилбандларимизнинг соғлом улғайишига замин ҳозирлаб, юқори даражадаги тахис қўйиш ва илғор даво чоралари қўллаш имкони туфайли норасидалар бевакт ўлимнинг олдини олади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Тошкентда уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бошланди.



# ҚИШЛОҚДАГИ СУВ МУАММОСИ қачон барҳам топади?

**Ф**арғона туманидаги «Тошқўрғоназиз» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 100 нафардан ортиқ аҳоли мана, бир неча йилдирки, тоза ичимлик ва оқова сув етишмаслиги масаласида жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Масъуллар ҳар йили бу борада ваъда беришади, бироқ сув муаммоси ҳануз барҳам топганича йўқ.

Худудда сувсизликдан қақраб кетган ариқлар, томорқа экин майдонлари, кун иссиғида қовжираб бораётган навнихолларнинг бугунги кўриниши тобора хунук манзара касб этмоқда.

— Маҳалламиздаги иккита сув жўмрагининг бири ишласа, иккинчисидан сув чиқмайди, — дейди маҳалла фаоли Мухаммаджон Қодиров. — Аёллар, болалар ҳар куни 1-1,5 чақирим йўл босиб, навбат талашиб, ичимлик суви ташиб келишга мажбур. Экин экиш, сўғориш имконияти йўқлигидан томорқадан даромад олиш тобора қийинлашиб бормоқда, мевали дарахтларимиз қуриб қоляпти. Бу борада амалий ёрдам сўраб жуда кўп идораларга мурожаат қилдик. Ҳар сафар мутасаддилар келиб ҳолатни ўрганишади, муаммони давлат дастурига киритиш орқали ҳал этишга ваъда беришади. Аммо амалий ишга келганда «Отангга бор — онангга бор» қабилида иш тутишдан нарига ўтишмайди.

## Томорқа экинлари қуриб бормоқда

— Бир амаллаб томорқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди шу маҳаллада яшовчи Зайнаб Султонова. — Кўкламда 1 килограмм картошка уруғини 3 минг 500 сўмдан сотиб олиб экканмиз. Экинларимиз сувсизликдан яхши ривожланмаяпти. Бундай бўлгандан кейин ҳосилдорлик чўғи ҳам шунга яраша бўлади-да. Оқин суви етарли бўлганида томорқамиздан уч-тўрт мартагача ҳосил олиш имконига эга бўлардик.

Етарли миқдорда сув ичмаган қўчатларнинг ривожини сусти, айримлари қуриб бормоқда. Иложсиз қолган томорқачи экинларни катта сиғимли идишларда сув олиб келиб, сўғоришга мажбур бўлмоқда. Янада ачинарлиси, маҳалладаги аёллар кийим-кечақларни кўшни қишлоқлар ёки ўзлари улғайган ота уйларига бориб ювиб келишга мажбур. Болалар ҳам ўқиш, хунар ўрганиш ўрнига кун бўйи сувга навбат кутади.

— Маҳалламиздаги 8 та кўчада қарийб 2,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусниддин Мадаминов. — Тўғри,



## Дарвоқе...

2019 йил вилоятда «Обод қишлоқ» дастури доирасида 102,8 километр ичимлик суви тармоқлари тортилди. 3 та янги сув иншооти қурилиб, 12 та иншоот реконструкциядан чиқарилди, 20 та сув минораси ўрнатилди.

Тошқўрғоназиз кўчасида яшовчи аҳоли тоза ичимлик ва оқова сув етишмаслигидан жуда қийналаяпти. Аслида маҳалла худудида фойдаланилмай турган сув минораси бор. Сув кудуғи қазиш орқали бу муаммони ҳал этиш мумкин. Лекин бу ишлар ўзига хос сарф-харажатни талаб этади. Бу масалада масъул идораларга ўз таклифларимизни берганмиз. Амалий ишлар бошланса, маҳалла аҳли ҳам қараб турмайди. Оқин суви етказиб бериш юзасидан тумандаги «Сувистеъмолчи» нодавлат ташкилоти билан шартнома тузганмиз. Улар оқин суви таъминоти билан боғлиқ ишларда имкон қадар ёрдам беришмоқда, лекин етарли даражада эмас. Чунки оқин сувининг асосий қисми Қирғизистон Республикаси худудидан келгани боис узилишлар кўп. Мана, олти ой деганда маҳаллага оқин суви келди.

Дарҳақиқат, «Тошқўрғоназиз» маҳалласи «Обод қишлоқ» дастурига тушганига икки йил бўлди. Дастур доирасида ички йўللарни асфальтлаш, ижтимоий соҳа муассасаларини реконструкция

қилиш ишлари бажарилди. Айнан тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 600 миллион сўм маблағ ажратилган эди...

— Афсуски, бу борада белгиланган ишлар 70-75 фоизга бажарилган, холос, — дейди «Сувоқова» ДУКнинг Фарғона тумани филиали раҳбари Ўткирбек Турғунов. — Натижада Тошқўрғоназиз кўчасининг сув таъминоти масаласи муаммолигича қолди. Тендер ғолиби сифатида бу ишларни бажарган «Фарғона сув монтаж инвест» МЧЖ мутасаддиларига бошланган ишни охирига етказиб беришлари юзасидан бир неча бор мурожаат қилганмиз. Аммо улар турли баҳоналардан нарига ўтмай, ишни охиригача етказгани йўқ. Ҳозирда мазкур тадбиркорлик субъектига нисбатан фаолиятидаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан жиноий иш қўзғатилган.

Туман масъуллари масалани имкон қадар бартараф этиш чораларини изляяпти. Хусусан,

«Тошқўрғоназиз»да бошланган ишларни охирига етказиш учун ўрта ҳисобда 250 миллион сўм маблағ зарур бўлади. Фарғона тумани ҳокими Илҳом Носиров иштирокида ўтказилган сайёр қабулда маҳалладаги бу муаммони ҳал этиш учун маҳаллий бюджетдан 100 миллион сўм маблағ ажратишга келишилди.

## Сув муаммоси ҳануз долзарб масала

Ўтган йилда туман «Сувоқова» ДУК филиали ва аҳоли билан ҳамкорликда 47 километрдан ортиқ тоза ичимлик суви тармоқлари тортилди. Тумандаги «Дўстлик», «Янгиобод» маҳаллаларида янги сув минораси ўрнатилди. «Хуршиди тобон», «Гулшан», «Миндон», «Баҳор» йиғинларидаги сув миноралари қайта реконструкция қилинди.

— Аммо бу мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини бермайди, — дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Тоҳиржон Исоқов. — Таъмирга муҳтож сув миноралари бор, айрим сув тармоқлари эса яроқлилик муддатини ўтаб бўлган. Шу мақсадда «Фарғона сув таъминот» масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан тоза ичимлик сув тармоқлари етиб бормаган 12 та маҳаллада 9211 метр сув тармоқларини тортиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бир қараганда ҳамма масала ҳал бўладигандек гўё. Лекин шу пайтга қадар ўз ечимини топмай келаётган муаммонинг бартараф этилишига кимдир ишоняпти, кимдир эса йўқ. Шундай экан, биз бу мавзуга яна қайтаемиз.

Расул КАМОЛ  
«Маҳалла»



Тошкент — Андижон — Тошкент йўналишида қўшимча поезд қатнови бошланди.



Тўғриси, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси томонидан қурилган уйлардан рози одамни топиш қийин. Телевидение, матбуот орқали янги уй қалитини олиб қурувчиларга миннатдорлик билдираётган фуқаролар кўп бора кўрсатилган бўлса-да, амалда компания уйларнинг сифатсизлиги, қайта таъмирга муҳтожлиги, белгиланган қурилиш моллари ишлатилмагани, нархларнинг баланглиги ва ҳоказолардан нолийдиганлар талай.

Бунга ташкилотта «инъом» этилган чексиз имконият, мазкур бозорда яққа ҳоқимлик, рақобатнинг йўқлиги, қисқа қилиб айтганда, монополия сабаб экани таъкидланади. Боз устига, банклар оддий фуқароларга фақат шу компаниядан уй олиш учунгина кредит ажратади. Яққа тартибда ёки бошқа қурилиш ташкилотлари томонидан қурилган уй-жойларга ажратиладиган кредитларни олишнинг имкони мавжуд эмас. Хуллас, уй олмоқчимисан, лойиҳага амал қилинмаслиги ва қурилиш материаллари сифатсиз бўлишини билсанг-да, марҳамат, барибир «Қишлоқ қурилиш инвест»дан бошқа чоранг йўқ.

Хўш, жорий йилнинг 1 май куни Президентимиз томонидан қабул қилинган «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қурилишлардаги монополияга чек қўя оладими? Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Қушербоевнинг фикрлари билан қизикдик.

# «Қишлоқ қурилиш инвест» МОНОПОЛИЯСИГА чек қўйиладими?

## Талон-торожлик — уйлар сифатсизлигининг асосий сабабларидан

— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши кураш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси соҳада коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Қушербоев. — Жараёнда маълум бўлишича, 2018-2019 йилларда қурилиш соҳасида 365 та жиноят содир этилган экан. Уларнинг 72 фоизи коррупция билан боғлиқ. Бу табиий ҳолат. Шундай бўлиши муқаррар ҳам. Зеро, бир қатор регламент ва қоидаларда коррупцияга шароит яратувчи омиллар ҳамон мавжуд. Масалан, «Архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти», «Шаҳар-созлик нормалари ва қоидалари», Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида»ги Низомда шундай қоидалар сақланиб қолмоқда. Бу ўз ўрнида сифатнинг ёмонлашуви ва талон-торожликларга сабаб бўляпти. Айниқса, сўнгги вақтларда мамлакатимизда рўй бераётган талафотларда асосий йўқотишлар қаторида уй-жой ва бошқа қурилиш объектларининг ҳиссаси катта эканига ҳам юқоридагиларни важ этиб кўрсатиш мумкин. Шахсан мен қаерда монополия бўлса, ўша ерда сифатсизлик, истеъмолчи билан ҳисоблашмаслик ва коррупция рўй беради, деб ҳисоблайман. Оддий айтганда, монополия бу алоҳида тармоқда мутлақ монархия, мутлақ подшюликдир.

## Янги қарор қурилиш «империялари»ни парчалай оладими?

Бу ўринда Президентимиз томонидан шу йил 1 майда қабул қилинган «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор айрим қурилиш «империялари»нинг тугатилишига сабаб бўлиши билан аҳамиятлидир. Қарорга кўра, 2020 йил охирига бориб «Қишлоқ қурилиш инвест» ва «Шаҳар қурилиш инвест» компанияларининг аҳолига намунавий уй-жой қуриш бўйича монополиясига чек қўйилади. Аҳолига хусусий пудрат ташкилотлари томонидан ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорига сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга рухсат берилади. Яъни энди давлат буюртмасими ёки қурилиш ташкилотининг шахсий ташаббусига кўра қурилган уйми, сотиб олмоқчи бўлган аҳоли ҳам кредит маблағлари билан таъминланади.

## Қанчагача кредит олиш мумкин?

Қарорда, шунингдек, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қуриб битказилган квартираларни сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитларининг миқдорлари ҳам белгилаб қўйилди. Масалан, қишлоқ жойларда 2 хонали квартиралар учун 174 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 224 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача кредит берилади. Шаҳарларда

эса фуқаро 2 хонали квартиралар учун 180 миллиондан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 232 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача қарз билан таъминланиши мумкин. Янги тартиб доирасида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари мuddати 15 йилдан 20 йилгача узайтирилган.

## Яққа тартибда уй қуриш учун ҳам қарз берилади

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳатларидан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тажриба тариқасида жисмоний шахсларга қонунда белгиланган тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларида яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун кредитлар ажратишга рухсат берилгани бўлди. Бунда кредитларнинг дастлабки бадалли яққа тартибдаги уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида 20 йил мuddатга ажратилиши белгилаб қўйилган. Бунда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида хусусий пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қуриш (қайта қуриш) ишлари бўйича тўловларни уларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Ўйлаймизки, юқоридаги тадбирлар нафақат уй-жойга муҳтож юртдошларимизнинг эҳтиёжларини қондиради. Балки бугун оламда кузатилаётган инқироз шароитида иқтисодий ўсишни ҳам таъминлайди. Янги иш ўринларининг яратилишига, пул айланишининг тезлашишига сабаб бўлади.

Улугбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»



Саробадаги тошқиндан зарар кўрган  
худудлардан 60 тонна чиқинди олиб чиқилди.



# АҚЛИ ЗАИФ

## бола нега таҳқирланди?

### Айбдорлар суд қилинди, лекин бола ҳуқуқлари бўйича вакил суд қароридан норози

Яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек шаҳарчасида ақли заиф боланинг тенгдошлари томонидан калтакланиб, масхара қилингани, тиз чўктирилгани видеосини кўрдиму қўшни аёлнинг хасратлари ёдимга тушди: «Боламга озор беришса, у ҳеч қачон буни менга айтмайди. Шунинг учун кўчага чиқармайман. Аммо у ҳам бола, ўйнашга ҳаққи бор. Худди бошқа болалар каби...».

Дарҳақиқат, 2020 йилнинг 25 март куни ақли заиф боласини уриб-тепиб, ўзларига «сигинишга» мажбурлаб, камига, бу ҳолатни телефон видеосига олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаган зўравонлар ҳақида ҳам жабрдийда боланинг ота-онаси лавҳани кўргачгина хабар топилган. Воқеага оид суд иши бир ойдан сўнг кўрилгани боиси шунда.

#### Зўравонлар ким?

Ҳўш, бировга озори тегмаган болани таҳқирлаш кимга керак бўлиб қолди? Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълум қилишича, зўравонлар 2002 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Д.Хайтмухамедов ҳамда 2003 йили Тошкент вилоятида туғилган О.Симатуллаев бўлиб, улар тумандаги 54-мактабда таҳсил олишади. Яъни муштумзўрлар ҳам ҳали бола. Худудда жойлашган 219-мактабга таълим муассасаси олдида жабрдийда А.Ш.ни учратиш қолган йигитчалар болани азоблашади. Тасвирлардан кўринадики, зўравонлар карантин қоидаларини ҳам менсимаган, ҳимоя ниқобсиз жамоат жойида бўлишган. Лавҳада бемалол сигарет буржситиб, манфур ишдан роҳатланганини ҳам кўрсатишган. Янада қайғулисиз, аянчли манзарани тасвирга олиб, ижтимоий тармоқларга ҳам жойлашганки, бу билан улар гўё ўзларининг «беҳад қудратли» эканини кўз-кўзлашган.

Кўринадики, ўсмирлар тарбияси яхшигина издан чиққан, йигитчаларда нафрат, зўравонлик каби иллатлар шаклланган. Бундай иллатлар эса ўзаро муносабатлар



дарз кетган, камситишлар кучайиб, меҳр ва эътибор камайган оилада, лоқайд ота-она бош бўлган хонадонларда авж олади.

2020 йилнинг 23 апрелида зўравонларга суд тартибиде чора кўрилган, судда ҳуқуқбузарларнинг ота-оналари фарзандларининг қилмишини тан олиб, кечирим сўрашган ва енгиллик берилишини илтимос қилишган.

Шундан сўнг Мирзо Улуғбек тумани маъмурий суди қарорига кўра, ҳуқуқбузарлар энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида маъмурий жаримага тортилди. Суд қароридан кейин эса яна саволлар туғилди: ушбу жазо зўравонларнинг тарбиясига қанчалик таъсир этади? Адолат тўла қарор топадими?

#### Қилмиш карантин билан хаспўшланган

— Ақли заиф болани тиз чўктириб, уни таҳқирлаган икки ўсмирга берилган жазо мени ҳайрон қолдирди. — дейди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакили Алия ЮНУСОВА. — Бундай ҳолатларда аслида жазо инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлагани учун белгиланиши керак. Бу вазиятда эса қонунбузар ўсмирларнинг асосий қилмиши бир четда қолиб, улар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддаси (эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш) учун ва 183-моддаси (майда безорилик) билан жазоланган. Бошқача айтганда, қўпол қилмиш карантин билан хаспўшланган. Ваҳоланки, бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Қилмиш учун етарли жазо берилмаслиги ушбу ҳолатларнинг

кўпайишига олиб келади.

Ҳўш, унда Мирзо Улуғбек тумани маъмурий суди нима учун бундай қарор қабул қилган? Билдирилган муносабатлардан сўнг қарор ўзгартириш қоладими ёки иш қайта кўриб чиқиладими? Мазкур саволлар билан Олий суд матбуот хизмати раҳбари А.Абидовга мурожаат қилдик.

#### Суд қарори адолатга зидми?

— Мирзо Улуғбек тумани маъмурий суди томонидан ўсмирлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддаси 1-қисми ва 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилган деб топилган, — дейди А.Абидов. — Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддаси 1-қисмига асосан, яъни юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасига асосан, яъни майда безорилик, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуш шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузиш, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Кўшнимнинг даун синдроми билан туғилган 8 ёшли қизи бор. Ташқарига чиққудек бўлса, болалар уни калака қилишади. Қизча жавоб қайтармайди, шунчаки жилмайганича сал нарироқ кетади. Ақлий ва жисмоний салоҳиятда тенгдошларига ета олмаса-да, қизалоқнинг ҳеч кимга ёмонлиги тегмайди, аксинча у бошқалардан кўра меҳрибонроқ, ҳаммага жилмайиб қарайди, ёмонлик нималигини билмайди.

Унутмаслик керакки, ушбу кодекснинг 29-моддаси (маъмурий қамоққа олиш) 2-қисмига асосан, маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, ўн ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биричи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Мирзо Улуғбек тумани маъмурий судининг 2020 йил 23 апрелдаги қарори билан уларнинг ҳар бирига МЖТКнинг 34-моддаси (бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиш) га асосан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида, яъни 1 115 000 сўм жарима жазоси тайинланди.

#### Хулоса ўрнида

Олий суд баёнотида, шунингдек, мазкур қарордан норози томонлар суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан, икки ой ичида кассация тартибиде шикоят бериши ёки протест келтиришлари мумкинлиги эълон қилинди.

Бизни ўйлантирган ҳиса, 17-18 ёшдаёқ дийдаси қотган, совуққон ва бемехр шахсга айланган икки ўсмир тақдири. Қўлланилган жазо чорасидан ташқари, кўпчиликнинг ғазабига ҳам учраган бу йигитчалар ҳулқи шу даражага етибдими, бу — катта фожиа. Зеро, бола қалбини қаҳрга эмас, меҳрга буркаш — оиланинг, ота-онанинг асосий вазифаларидан. Меҳр-муруватли инсон оғизларга бағрини кенгроқ очади, кучсизларни панохига олади, ғамхўрлик қилади. Шундай экан, бу воқеадан тегишли хулоса чиқариш, тарбиядаги хатоларни тақорролмаслигимиз жуда муҳим. Акс ҳолда дийдасиз қаттиқ болалар келтирган зарар ўрнини бир миллион сўм у ёқда турсин, миллиардлаб ўлгон тўлаб ҳам қоплай олмаслигимиз, беғунохлар уволига қолишимиз мумкин.

Юлдуз ҲОЖИЕВА  
«Mahalla»



Мактаб дарсликларини такомиллаштириш бўйича кенг жамоатчилик фикрини олиш тизими йўлга қўйилди.


6...Ўтган йили «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгаши ва Олий Мажлис Сенатининг қўшма қарори қабул қилиниб, соҳага доир Низом тасдиқланди. 2020 йил 1 январдан кучга кирган Низом қоидаларига кўра, фуқароларга оилавий маросимларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш талаби қўйилди.

Низом амалиётга татбиқ этилди, лекин маълум муддат Низом талабларини бажармаган шахслар қандай жавобгарликка тортилиши номаълумлигича қолди. Бу бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар 2020 йилнинг 17 мартига келибгина киритилди. Демакки, уч ой мобайнида Низом ўз вазифасини тўлақонли бажара олмади...

2020 йил 21 майда қабул қилинган «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони ижроси қонун ижодкорлигидаги ана шундай камчилик ва муаммоларни бартираф этади. Хусусан, фармоннинг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда «пакет» принципини жорий қилиш тўғрисидаги бандида бунга алоҳида урғу берилган.

— Ҳужжатта биноан, янги қонун

# Энди жавобгарлик ФАҚАТ ҚОНУНЛАР орқали белгиланади



лойиҳасини ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган ҳаволаки нормалар қонун билан бирга ёки қонунда белгиланган муддатда ишлаб чиқилади ва кучга киради, — дейди Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Мухтабар Хусанова. — Шунингдек, эндиликда янги қонун билан белгиланаётган қоидалар илгари қабул қилинган қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этганда, бу жараён янги қонунни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Янги тизим асосида қонун ва қонуности ҳужжатларининг бир вақтда эълон қилиниши аҳолида унинг мазмун-моҳияти борасида ортиқча саволлар юзага келмаслигини таъминлайди. Бу эндиликда қабул қилинадиган қонунларнинг ижроси ҳам у расман эълон қилин-

ган вақтдан кучга киришини аниглайди. Қонун ижодкорлигида бундай «пакет» принциpidан фойдаланиш қонунларнинг янада тезкор ва шаффоқлик билан ҳаёtimизга кириб боришига хизмат қилади.

## Идоравий қонун ҳужжатларини қабул қилиш тўхтатилади

Ўтган йили «Қурол тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонун ишлаб чиқилгунга қадар соҳани ўндан ортиқ ҳужжатлар тартибга соларди, жавобгарлик чоралари ҳам улар асосида белгиланарди. Бу эса, ўз навбатида, қонун талабларини бажаришда турли тушунмовчиликларни юзага келтирган. Шу нуқтаи назардан, «Қурол тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда ҳам айрим соҳаларда фуқароларни жавобгарликка тортишда қонунлар эмас, қонуности ҳужжатлари, низомлар ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг қарор, буйруқларига таянилади. Турли давлат идоралари фуқароларнинг жавобгарлигини белгилловчи ёки бир қатор имтиёз берувчи норматив ҳужжатларни тайёрлаш мумкин эди. Бу эса ўша соҳаларда кузатилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, айниқса, фуқароларнинг бу ҳужжатлар билан тўлақонли танишишда қатор қийинчиликларни юзага келтирди.

— 2020 йил 1 июлдан бошлаб, жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгилловчи ҳуқуқий нормалар фақатгина қонунлар билан ўрнатилади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Ислон Жўраев — Идоравий қонун ҳужжатларига жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилловчи, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, шунингдек, уларга асосланмаган

ҳаражатлар юзага келишига олиб келувчи, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўйилмайди. 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоравий қонун ҳужжатларини қабул қилиш тўхтатилади.

Шу боис Адлия вазирлиги зиммасига 29 та қонуности ҳужжатлари билан белгиланган жавобгарлик ва санкция нормаларини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли қонунларга ўзгартириш киритишни таъминлаш вазифаси қўйилди.

## Рақамли иқтисодиёт соҳа фаолиятини такомиллаштиради

Фармон билан соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали «виртуал адлия» тизими ишга туширилади. Эксперимент тариқасида юридик хизматлар кўрсатиш марказлари ташкил этилади.

— Ҳужжат билан маъмурий ишлар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда ортиқча овозгарчилик ва қоғозбозликка чек қўйиш мақсадида қонун ижодкорлигида бир қатор ўзгаришларга қўл урилди. — дейди И.Жўраев. — Идоравий қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишил, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш 2020 йил 1 июлдан бошлаб синов тариқасида, 1 октябрдан бошлаб эса тўлиқ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали амалга оширилади. Шунингдек, 1 июлдан бошлаб идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишда Адлия вазирининг буйруғини қабул қилиш амалиёти бекор қилинди ҳамда ҳужжатта давлат реестри орқали уникал рақам берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилади.

\*\*\*

Адолатли, халқ манфаатлари ҳимоя қилинадиган жамиятни қуриш учун доимий равишда қонун ижодкорлиги, маъмурий-ҳуқуқий соҳани такомиллаштириб, тараққий эттириб бориш талаб этилади. Президентимизнинг янги фармони айна шу йўналишдаги фаолиятнинг янада тараққий топишга хизмат қилиб, давлат ва жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»


**2020 йил 1 июлдан бошлаб қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда қуйидагиларни назарда тутувчи «пакет» принципи жорий қилинади:**

- янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган ҳаволаки нормалар янги қонун билан бирга ёки қонунда белгиланган муддатда ишлаб чиқилади ва кучга киради;
- янги қонун лойиҳаси билан белгиланаётган қоидалар илгари қабул қилинган қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этганда, илгари қабул қилинган қонунларга ўзгартириш киритиш янги қонунни қабул қилиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади;
- вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир хил масаладаги ўзгартириш ва қўшимчаларни битта ҳужжат билан киритади.

Ўзбекистондаги бино ва иншоотларда энергия тежовчи технологиялардан фойдаланилади.

# СИГИРГА АЙЛАНАЁТГАН ЖЎЖАЛАР

## ёхуд камбағалликни қисқартиришнинг Иштихонча усули



“

Самарқанд вилоятидаги қатор маҳаллаларда карантин шароитида камбағалликни қисқартиришнинг янги усуллари қўлланилмоқда. Хўш, бу усуллар нималардан иборат ва улар қай тарзда амалга оширилмоқда? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида ҳудудларда бўлдик.

### Балиқ эмас, қармоқ беринг!

Иштихон тумани ҳудудидаги 50 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинида 2,5 мингга яқин ночор оилалар истиқомат қилади. Барча жойда бўлгани каби бу ерда ҳам ҳар бир йиғин қайсибир секторга бириктириб қўйилган. Туман ҳокими Шухрат Нейматов раҳбарлигидаги биринчи секторга 18 та маҳалла киради. Яқинда ҳоким ўзига қарашли ҳудуддаги маҳаллалардан 60 та энг камбағал оилани танлаб олиб, уларнинг ҳар бирига бепул 100 тадан «Бройлер» зотли жўжа тарқатди ва бу билан қарийб 200 кишини иш билан таъминлади.

— Агар ўз вақтида хўраги, дони ва суви бериб турилса, бу жўжалар 40-45 кунда вояга етиб, ҳар бири камида 2 килограммдан тош босади, — дейди туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шаҳобиддин Ўсаров. — Шартномага кўра, улар вояга етганидан сўнг, парҳез гушт экспорти билан шуғулланувчи ташкилот уй соҳибига бозор нархида товукларнинг пулини тўлаб, олиб кетишади. Харидор излаб кўчага чиқишнинг ҳожати йўқ. Товуқнинг пулига уй соҳибига аввалгидан икки-уч баравар кўп миқдорда яна жўжа берилади. Бу жўжалар ҳам вояга етганидан сўнг эса ўша харидор яна уларни олиб кетишга келади.

Натижада товукнинг пули кўпайганидан сўнг, рўзгорга яшигина бир она-бола сигир олиб берилади. Оила аъзолари учун яна бир қулай томони шундаки, жўжаларга ем ва дони ҳокимлик бепул етказиб беради. Бундан ташқари, жўжаларни боққани учун уй соҳибига 800 минг сўм миқдориди

ойлик маош ҳам мунтазам бериб борилади. Хуллас, Президентимиз айтганидек, одамларга балиқ эмас, қармоқ берилиб, улар ишлашга ва даромад топишга ўргатиляпти.

Туман марказидан анча олисда жойлашган «Бешариқ» маҳалласида 41 та кам таъминланган оила яшайди. Аҳолининг аксарият қисми фермерларнинг даласида

“  
Назаримда,  
камбағал ёки бой  
бўлиш, авваламбор,  
одамнинг ўзига, унинг  
ҳаракати, ишчанлиги,  
уддабуронлиги ва  
қобилиятига ҳам  
боғлиқ

деҳқончилик билан шуғулланади.

— Бу жўжаларга ҳокимимиз «Ўлмас жўжалар» деб ном қўйган, агарда улардан бирортаси нобуд бўлса, уй соҳибига ўз чўнтагидан товон пули тўлайди, — дейди мазкур йиғин раиси Обиджон Рўзиев. — Шу боис уларнинг парваришига уйларда алоҳида эътибор берилляпти. Ҳокимлик вакиллари деярли ҳар 5 кунда бир марта хонадонларда бўлиб, жўжаларнинг парвариши билан танишади, уларни озиклантиришда пайдо бўлаётган муаммоларни бартараф этади.

### Қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

Тумандаги «Миробод» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли ҳам ҳали тетапоя қилаётган бу жўжаларнинг сигирга айланишидан умидвор бўлиб, уларни меҳр билан парва-

ришлаётир.

— Бу ишга болаларим, хотиним, ҳаммамиз жуда қизиқиб қолдик, — дейди «Миробод» маҳалласидаги Чамбил қишлоғида яшовчи Одил Жумабоев. — Жўжалар кун сайин эмас, гўё соат сайин ўсаётгандек. Уларнинг соғлигидан ҳудудга бириктирилган ветеринар врач кунора хабар олиб турибди.

Мазкур йиғинда ўзининг интилувчанлиги, ҳаракати билан оиласини ҳам, ҳамқишлоқларининг ҳам қора қозонини қайнатаётган тадбиркорлардан бири «Чуқуркўл балиғи» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Эшмамат Облоевдир.

— Назаримда, камбағал ёки бой бўлиш, авваламбор, одамнинг ўзига, унинг ҳаракати, ишчанлиги, уддабуронлиги ва қобилиятига ҳам боғлиқ, — дейди у. — Оиламиз илгари жуда камбағал яшаган. «Ола хуржун» бўйнимга тушган, узок ўйлаб, турли режалар туздим. Бир кун телевизордан Сурхондарёда қандалик тарвуз ва қовун пишганини кўрсатиб қолишди. Миямга ярқ этиб бир фикр урилди: нега сурхондарёлик деҳқон қилган ишни мен қилолмайман, бир уриниб кўрай-чи, дедим. Февраль ойида турмуш ўртоғим билан лойдан туваклар ясаб, унинг ичига қандалик уруғларини эдик. Сўнгра уни далага ўтқазиб, хосил олдик. Хуллас, чин дилдан қилган меҳнатимиз зое кетмади. Қўлимизга мўмайгина пул тушди. Уч йил қаторасига шу иш билан шуғулланиб, сўнгра балиқчиликни йўлга қўйдим. Ҳозир маҳсулотимиз жуда харидоргир. Маҳалламиздаги 20 та камбағал оиладан 48 нафар ҳамқишлоғимни доимий иш билан таъминладим.

### Боқимандалик қачон тугайди?

Иштихон туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шаҳобиддин Ўсаров ҳамроҳлигида қўшни «Кўктепа» маҳалла фуқаролар йиғинига ўтдик. Бу ерда 50 та камбағал оиланинг ҳар бирига 50 сотихдан тут плантацияси ажра-

тиб берилган. Қатор ораларига ловия экилган.

— Агар вақтида ўғит бериб, суғориб, ишлов берилса, 50 сотихдан 5-6 тонна ловия олиш мумкин, — дейди йиғин раиси Шерзод Хўшмуродов. — Бу камида 30-40 миллион сўм соф даромад дегани. Ҳамма гап энди астойдил, сидқидилдан меҳнат қилишда қоляпти. Бу ишда боқимандалик ўтмайди.

Дарҳақиқат, шундай. Юқорида қайд этилганидек, ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Туғри, ноғиронлиги бор, бирор қийинчиликка дучор бўлган оилада ночорлик бўлиши мумкин. Бироқ бундай ҳолатлар бармоқ билан санарли. Маҳалла раисларининг айтишича эса, айрим одамлар тўрт мучаси соғ, яхшигина уйи, томорқаси, автомашинаси бўла туриб, меҳнат қилишни ўзларига эп кўрмай, маҳаллага ёрдам сўраб келади. Хўш, бундай кишиларни ким деб аташ мумкин?

### «Кутинг, сизга кўнғироқ қилишади»

Иштихондан яхши таассуротлар билан қайтар эканмиз, ери Иштихоннинг ерига, суви сувига туташ бўлган қўшни Оқдарё туманида бу борада амалга оширилаётган юмушлар билан танишиш, ҳудуддаги ибратли ишларни ўрганиш мақсадида туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Юлдуз Ҳуроқова билан боғландик. Аммо у «кутинг, сизга кўнғироқ қилишади» деди-ю, гўшақни қўйди. Маълумот олиш учун қайта-қайта қилган уринишларимиз, афсуски, бесамар кетди. Опа гўшақни кўтармади...

Хуллас, бутунги мураккаб шароитда маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича Иштихон ва Оқдарё туманларида кўрган-кузатганларимизнинг яхши томонини ҳам, ёмонроғини ҳам сизлар билан баҳам кўргимиз келди. Хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола, азиз маҳалладош!

Ёрмамат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Республиканинг ҳар бир ҳудудида Ёшлар технопарклари ташкил этилади.

# ПАНДЕМИЯ

## шароитида иқтисодиёт: муаммоларнинг ечими борми?

Хозирги эпидемиологик вазиятда мамлакатимизнинг 34 миллиондан зиёд аҳолисини озиқ-овқат, sanoat, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт махсулотлари билан кафолатланган ҳолда таъминлаш, фуқаролар даромадларининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш энг долзарб вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун эса иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари барқарор ишлаши шарт.

Шу нарса аёнки, 2020 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш ва тақсимлашда карантин шароити ҳисобга олинмаган. Фавқулодда вазиятнинг эълон қилиниши Давлат бюджетни қўлга олишнинг харажатларни келтириб чиқариши, шифокорларга ҳимоя воситаларини тарқатиш, хорижий муҳтажларни ёрдами ёллаш, инфекцияга чалинган беморларни даволаш, карантинда сақланган фуқаролар эҳтиёжини таъминлаш, карантин мажмуаларини бунёд этиш учун жами 3,5 триллион сўм маблағ ажратилди ва сарфланяпти. Бундан ташқари, 600 миллиард сўм ҳимойлик ёрдами ҳамда «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди орқали 71 миллиард сўм маблағ йиғилиб, ана шу мақсадга йўналтирилиши фавқулодда вазиятни бир қадар енгиллаштирмоқда.

Белгиланган тезкор чора-тадбирларга қарамай, республикада иқтисодий тараққиёт пасайиб бораётганини кузатиш қийин эмас. Буни бартараф этиш бўйича давлат томонидан қандай чора-тадбирлар кўриляпти? Қачон ниҳосига етиши маълум бўлмаган эпидемиологик вазиятда молиявий инкирозга йўл қўймаслик имкониятлари мавжудми?

### Иқтисодий прогноз нимадан далолат бермоқда?


Маълумотларга кўра, жорий йил биринчи чорагида мамлакатимиздаги иқтисодий ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 фоизга пасайиши кузатилди. Бундан ташқари, инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми ҳам сезиларли

даражада қисқарган.

Савол туғилади: 2020 йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръати қандай бўлмоқда? Бизни йил охирида қандай прогнозлар кутмоқда?

— Таҳлиллар 2020 йилнинг иккинчи чорагида иқтисодий ўсиш суръати 4,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга (5,7 фоиз) нисбатан 1,6 фоизга камайганини кўрсатмоқда. Сўмнинг қадрсизланиш даражаси 2,8 фоизга етди, — дейди Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги мутахассиси Шавкат Самадов. — Бу охириги йиллардаги энг паст кўрсаткичдир. Ўз навбатида, sanoat товарларини ишлаб чиқариш 4 фоиз, қишлоқ хўжалиги махсулотларини етказиб бериш қарийб 4 фоизга ошди. Йил якунигача иқтисодий ўсиш 1,5–2 фоизни ташкил этиши кутуляпти. Инфляция эса ўтган йилгидан пастроқ бўлиши мумкин.

— Пандемия шароитида вужудга келган умумий муаммоларни ҳал қилишда давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори Мамаюнов Пардаев. — Иқтисодиётда банд бўлган жисмоний ва юридик шахсларга солиқ тўлаш муддатининг кечиктирилиши, айрим субъектларнинг жорий йил охиригача солиқ тўловидан озод этилиши, ишлаб чиқариш корхоналарига қатор имтиёзлар яратилиши шулар жумласидан. Шунингдек, айрим қардорликлар кечиктирилди, дебитор қардорлик учун жарима қўллаш тўхтатилди, аудиторлик текшируви йил охиригача бекор қилинди, пандемия туфайли кўрилган талафотларни камайтириш



Таҳлиллар 2020 йилнинг иккинчи чорагида иқтисодий ўсиш суръати 4,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга (5,7 фоиз) нисбатан 1,6 фоизга камайганини кўрсатмоқда. Сўмнинг қадрсизланиш даражаси 2,8 фоизга етди.

бўйича яна бир қатор енгилликлар берилди.

Қолаверса, аҳолининг аксарият қисми қишлоқ шароитида яшаётгани уларнинг томорқадан самарали фойдаланиши, йилига 2–3 марта ҳосил олишига имконият яратади. Яна бир жиҳат — имкон қадар ҳар бир хонадонда гўшт ва сут махсулотлари мўл-кўллигини таъминлайдиган чорва молларини кўпайтириш лозим. Бу, ўз навбатида, ички бозорда гўшт, сут махсулотлари нархини мақбуллаштиради. Имконияти бор оилалар ўзини ўзи иш билан банд қилиб, балиқчилик, асаларчилик, паррандачилик каби тармоқларни ривожлантириши, аҳоли фаровонлигига ҳисса қўйиши мумкин.

### Ўзбекистон молиявий инкирозни енга олади...(ми)?

Коронавирус касаллигининг оммавий тарзда тарқалиши жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш прогнозларини кундан-кунга ёмонлаштирмоқда. Қўллаб-давлатлар иқ-

тисодиётни «қутқариб» қолиш учун катта маблағ сарфлашга киришди.

— Жаҳон банки таҳминларига кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши асосий ҳамкор мамлакатларда бўлгани каби кескин секинлашади ва йил мобайнида 1,6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда, — дейди Ўзбекистон банклари ассоциацияси масъул ходими Жамолиддин Хўжахонов. — Осиё тараққиёт банки прогнозлари бирмунча мақбул бўлиб, унда Ўзбекистоннинг 2020 йилдаги ЯИМ 4,7 фоизга ўсиши айтилмоқда. Олимлар иқтисодий ўсишдаги таназзулга ялпи талабнинг тушиб кетиши, транспорт-логистика тармоқларининг узилиб қолгани, иш ўринларининг қисқариши, мавжуд русурсларга бўлган талабнинг камайиши, пандемияга қарши кураш туфайли давлатлар бюджети ортикча харажатларининг ошиб кетиши каби омилларни кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида реал сектор фаоллигининг айрим соҳалар бўйича тушиб кетиши янгилик эмас. Бу, айниқса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, жумладан, туризм ва транспорт соҳаларида яққол намойён бўлади. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган мамлакатлар иқтисодиётида юз бераётган пасайиш унга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Қўтилаётган инкирозни иқтисодиётимиз минимал йўқотишлар билан ўтказишдан ваҳимага тушмаслигини керак.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми уйда қолган бир вақтда иқтисодий тараққиёт пасайиб, янгидан-янги муаммолар келиб чиқиши табиий ҳол, албатта. Қолаверса, Россия, Қозғистон, Туркия каби давлатлардан чартер рейс орқали юртимизга қайтаётган меҳнат мигрантларининг катта қисми қишлоқ жойларида истикомат қилади. Шу нарса аниқки, ҳали ниҳоси кўринмаётган пандемия шароитида иқтисодий аҳолини ҳар томонлама ўнглаш учун ҳаракат қилаётган давлатни аҳоли ҳам ўз имкониятига яраша қўллаб-қувватлаши, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш чораларини кўриши керак. Ана шундагина молиявий инкироз натижаларини камайтириш, унинг салбий таъсирини юмшатиш мумкин.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

Япония Ўзбекистондаги қишлоқ аёлларининг иқтисодий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш учун 3 млрд. доллар ажратади.



# ҚУВОНЧ ЎРНИНИ ХАВОТИР ЭГАЛЛАДИ: бажарилган ишлардан бажарилмагани кўпроқ...

«Обод қишлоқ» дастури кўплаб ҳудудларнинг янгича қиёфа касб этишига хизмат қилаётгани сир эмас. Аммо айрим жойлардаги мутасаддиларнинг бефарқлиги, халқ дарди қолиб, ўз ташвишига ўралашиб қолгани боис, дастур ижросида баъзи сустрасалар ҳам кўзга ташланмоқда.

Жумладан, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Тахياتош туманидаги Найманкўл, Кенегес, Сарайкўл овул фуқаролар йиғинларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Овулининг обод ҳудудга айланишидан хабар топган аҳоли бундан қувонди. Аммо уларнинг бу севинчи узоққа чўзилмади.

## «Тадбиркорга кредит берилмади, ишлар эса чала қолди»

Таъкидлаш керакки, ушбу ҳудудларда бир неча йиллардан буён бунёдкорлик ишлари амалга оширилмагани оқибатида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзида кўплаб муаммолар йиғилиб қолганди. Жумладан, овуллардаги маъмурий бинолар эскириб, боғча ва мактаблар таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Ёшлар учун спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этишга эътибор қаратилмаган.

Яна бир жиҳат: айрим фуқароларнинг ўзбошимчалик билан турли иморатларни қуриб олгани ҳам ҳудуд юзидаги доғ эди. Ички йўлларнинг аҳоли ҳақида-ку, айтмаса ҳам бўлади.

— 2018 йилда Кенегес, 2019 йилда эса Муқумий овулларида «Обод қишлоқ» дастури асосида кенг кўламли ишлар олиб борилди, — дейди Кенегес овул фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Дошанов. — Бунинг натижасида овулимиздаги талай муаммолар — газ, сув, электр таъминоти бутунлай яхшиланди. Кўчаларга шағал тўшалди. Маҳалла идораси қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга эга бўлди. Аҳоли томорқа ерларидан унумли фойдаланиши учун ариқ ва зовурлар қайта қазилиб, оқова сув келиши таъминланди.

Шу билан бирга, дастур доирасида баъзи чала қолиб кетган ишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, йиғин раисининг айтишича, овулда дастур бўйича болалар боғчаси, марказий кўча бўйида замонавий савдо дўкони қурилишига тадбиркорлар жалб қилинган. Ишбилармонлар қайта таъмирлаш ва қурилиш ишларини зўр иштиёқ билан бошлади, бироқ кўп ўтмай, ишлар тўхтаб қолди. Бунга сабаб — банклар кредит беришни пайсалга солишган.

Орадан шунча вақт ўтганига қарамай, чала қолган ишларда бирон ўзгариш бўлмаган. Бугунги кунда ушбу ҳудуд аҳолиси учун болалар боғчаси жуда зарур. Овулдаги коллекторга кўприк бунёд этилиб, икки ёндан пиёдалар йўлакчаси қурилиши керак. Афсуски, бу ишларга умуман кўл урилмаган. Шунингдек, режага киритилган бўлса-да, кўчаларга тунги чироқлар ўрнатилмаган, 400 метрга яқин йўл таъмирсиз қолиб кетган.

## Маданият масканида пилла боқилмоқда

Худди шундай манзарани Муқумий овулида ҳам кўриш мумкин. Дастур асосида 2018 йилда ҳудудда 250 ўринли янги мактаб қурилди. Лекин бу бунёдкорлик ишлари ҳам кўл учидан бажарилган. Негаки, бугун янги мактабда 450 нафарга яқин ўқувчи тахсил олади. Таълим даргоҳини қуришда нафақат ўқувчилар миқдори ўрғанилмаган, балки мактаб учун зарур бўлган

Хўш, қурилишни бошлаб, ишини охирига етказмаган тадбиркорга ким мададкор бўлиши керак эди? Туман мутасаддилари қайси асосга кўра, дастур ижроси тўла бажарилган деб ҳисоблайди? Бундай кўзбўямачилик билан кимни алдаяпмиз?

спорт зали, кутубхона ҳам ҳисобга олинмаган.

Худудни ўрганиш чоғида олд томондан обод кўринса-да, ён-атрофида ташландиқ жойлар кўп бўлган бино эътиборимизни тортди.

— Аввал бу ер «клуб» бўлган, — дейди шу ерда яшовчи Муратбой Қурбонбаев. — Унинг ички жиҳозлари талон-торож қилиниб, ўзи қаровсиз аҳволга келиб қолган. Хозирги кунда эски «клуб»да пилла қурти боқилмоқда. Ушбу бино қайта таъмирланиб, маҳалламиз болалари учун тўғарақлар ташкил қилинса, кутубхонага айлантирилса, яхши бўлар эди. Атрофидаги бўш ётган ерлар эса обод қилиниб, боғ-роғ қилинса, спорт ва болалар майдончалари, пиёдалар йўлакчалари қурилса, аҳоли дам оладиган ажойиб маскан пайдо бўлар эди.

## Дастур ижроси режалигича қолиб кетди

2019 йилда Сарайкўл овул фуқаролар йиғинидаги Шере жап овулида ҳам «Обод қишлоқ» дастури асосида қатор ишлар амалга оширилиб, кўплаб муаммолар бартараф этилди. Бироқ...

— Дастурга киритилган бўлса-да, 1,2 километрик пиёдалар йўлакчаси, 500 метр ораликдаги асфальт йўл, 1 километрга яқин масофага электр симларини изоляциялаш ишлари бажарилмади, — дейди Сарайкўл овул фуқаролар йиғини раиси Назарбай Мамедов. — Режа бўйича ҳаммом, сартарошхона қурилиши керак эди, лекин улар ҳам режалигича қолиб кетди. Негадир аҳоли учун жуда зарур бўлган боғча, болалар майдончаси, газонли спорт майдонлари дастур режасига киритилмаган.

## Саволлар кўп, жўяли жавоб бера оладиган масъуллар йўқ

Худудни кўздан кечириб экансиз, бу ерда дастур ижроси номига бажарилганига гувоҳ бўласиз. Кишини ташвишга соладиган жиҳати шунданки, туман ҳокимлиги тақдим этган маълумотларда «Обод қишлоқ» дастури ижроси доирасида ҳудуддаги барча муаммолар ечимини топган!

Бизни ва аҳолини қийнаётган

саволларга жавоб олиш мақсадида Тахياتош тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Фарҳод Бекжанов билан телефон орқали боғландик. Аммо саволларимизга жўяли жавоб олиш имкони бўлмади.

— Кенегес овули ҳудудида дўкон қуриш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга ер майдонлари ажратиб берилган, — дейди Ф.Бекжанов. — Боғча қурилиши зиммасига олган тадбиркоримиз эса реконструкция ишларини бошлади, маблаг муаммосини сабаб ишлар тўхтаб қолди.

Бош мутахассис «Обод қишлоқ» дастурига киритилган ҳудудлардаги қурилиш ишларининг нега чала қолиб кетгани ҳақидаги сўровимизга умуман жавоб бера олмади. Хўш, қурилишни бошлаб, ишини охирига етказмаган тадбиркорга ким мададкор бўлиши керак эди? Туман мутасаддилари қайси асосга кўра, дастур ижроси тўла бажарилган деб ҳисоблайди? Бундай кўзбўямачилик билан кимни алдаяпмиз? Хуллас, саволларнинг адоги кўринмайди, уларга жўяли жавоб бера оладиган масъуллар эса йўқ!

\*\*\*

Дастурлар инсонлар оғирини енгили қилиш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида ишлаб чиқилади. Шу боис ҳар бир ҳудуднинг имконияти ва шарт-шароитидан келиб чиқиб, муҳими, аҳолининг эҳтиёжини ўрганиш талаб этилади. Аммо Тахياتош туманига сафаримиз чоғида бундай жиҳатларга эътибор қаратилмаганига гувоҳ бўлдик. Тўғри, газ, сув, электр таъминоти каби долзарб муаммолар ечимини топмоқда. Агар маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кутубхона, спорт майдонлари каби ижтимоий аҳамиятга эга масканлар қурилишига ҳам эътибор қаратилса, юқорида номлари қайд этилган овуллар чин маънода обод ҳудудга айланган бўларди. Туман ҳокимлиги ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиқади, деган умиддамиз. Биз эса бу мавзуга яна қайтамыз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ  
«Mahalla»

Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқариш 50 тонна, кумуш 270 тоннагача етказилади.



# ЯНГИ ТИЗИМ:

## кадрларни меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига нима тўсқинлик қилаётир

Бугун аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти учун турли имтиёзлар тақдим этиляпти, хорижий сармоядорлар жалб қилиниб, ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайтирилмоқда. Айниқса, ҳозирги пандемия даврида ишсизликнинг глобал муаммога айлангани ҳар бир мамлакат мустаҳкам меҳнат бозори тизimini яратиши кераклигини кун тартибига қўймоқда.



Хўш, мазкур муаммонинг бош сабаби фақат иш ўрнининг етарли эмаслиги билан боғлиқми? Ё бўлмаса, малакали кадрлар етишмайди? Гоҳида хорижга иш излаб кетган юртдошларимиз ҳам етарли малакага эга бўлмагани боис, муаммоларга дуч келиши ҳақида эшита-миз. Бу гап қанчалик тўғри?

### Диплом бору иш йўқ. Нега?!

Бугун айрим юртдошларимиз мутахассислиги бўйича ўзи яшаётган худуддан иш топа олишмайди. Уларнинг, айниқса, касб-ҳунар коллежини тугатганлиги тўғрисидаги дипломи чанг босиб ётибди.

— Бу саволга биргина сабабни келтириб жавоб бериб бўлмайди, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқарма бошлиғи Абдуҳамид Носиров. — Хусусан, ақсарият юртдошларимиз муносиб иш ўрни йўқлигини таъкидлайди. Бу

бир жиҳатдан тўғри, олис қишлоқ ва овулларда аҳоли бандлигини таъминлайдиган катта корхона, ишлаб чиқариш тармоқлари кам. Худди шунингдек, айрим соҳаларда малакали кадрларга эҳтиёж бор. Хусусан, мамлакатимиздаги профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашмаган. Шунингдек, ўқув жараёнига Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмагани тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилиб келаётир.

Айни камчиликларни бартараф этиш, мавжуд касб-ҳунар таълими тизimini тубдан ислоҳ қилиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизimini янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Германия, Франция, Россия, Жанубий Корея каби 20 дан ортиқ хорижий давлат тажрибаси ўрганилди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 майдаги “Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги қарори билан илк марта Миллий малакалар рамкаси амалиётга жорий этилмоқда. Бу меҳнат бозорида ноформал тарзда таълим олган минглаб ҳамюртларимизнинг квалификациялари тан олинishiга имкон беради ва улар ўз билим, кўникма ва малака даражасига мос касб ва мутахассисликлар бўйича ишлаб олишини таъминлайди.

ши ва самарали таъсири таъминланади.

### Тизим бандликни қанчалик таъминлай олади?

— Бунинг учун меҳнат бозоридаги имконият ва эҳтиёжлар ўрганилади, — дейди Ф.Мамарасулов. — Шундан келиб чиқиб, ишсиз ва вақтинча банд бўлмаган аҳоли касб-ҳунарга ўқитилади ёки қайта тайёрланади. Бунинг учун касб-ҳунарга ўқитиш марказларига касбий фаолиятнинг тегишли турлари бўйича касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака ошириш бўйича ваколатлар бериллади. Ушбу марказлар ишсизлар сони ва зарур ресурслар асосида шакллантирилган рўйхат (давлат буюртмаси) бўйича фаолият юритади. Шу тариха иқтисодиёт тармоқларини касбий маълумотга эга бўлган ходимлар билан таъминлайди. Содда қилиб айтганда, аҳоли бандлиги таъминланиши билан бирга, тармоқларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжи қопланади.

Ушбу марказлар ўқувчиларнинг малака ва кўникмаларининг тегишли касбий фаолият, мутахассисликлар бўйича белгиланган стандартларга мослигини таъминлайди. Олинган назарий билимлар амалий кўникмалар билан мустаҳкамланади.

Умуман олганда, янги тизим мавжуд кадрларнинг малакасини ошириб, уларга хорижда ҳам аскарадиган касб тоифаларини тақдим этади. Шу билан бирга, ишсиз ва маълум касб-ҳунарга эга бўлган юртдошларимизга малакали кадрлар билим ва салоҳиятидан унумли фойдаланиш имконини беради. Бу меҳнат бозоридаги талаб ва тақлиф тарозисининг ҳар икки палласини бирдек тутиб туриш имкони дегани.

### Миллий малакалар рамкаси нима?

— Миллий малакалар рамкаси жадвал кўринишидаги конструкция ҳисобланади, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Фазлиддин Мамарасулов. — Унда ҳар бир малака даражаси бўйича касб фаолиятини амалга ошириш учун талаб қилинадиган билимлар, маҳорат ва кўникма, шахсий ва касбий компетенциялар, шунингдек, тегишли малака даражасини эгаллаш йўллари белгиланади. Аҳамиятли жиҳати, малакалар рамкаси меҳнат бозори ва таълим соҳасини интеграциялаш воситаси бўлиб хизмат қилишидир.

Ушбу тизим фуқароларнинг меҳнат салоҳиятидан тўла фойдаланиш учун имконият яратишга йўналтирилган ҳуқуқий, институционал ва инфратузилмавий механизмларни шакллантиради. Жумладан, шахс бутун умр давомида таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтиши мумкин бўлади. Шу асосда меҳнат бозори ва таълим тизимининг амал қили-

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ  
«Mahalla»



«Истеъмолчи кутубхонаси» электрон дастури ишга туширилади.





**С**анъ-  
атта  
ошно  
инсондан  
ҳеч қачон  
ёмонлик  
чиқмайди,  
у кишида  
эзгу хислат-  
ларни тарбия-  
лайди. Шу маъ-  
нода Президен-

тимиз Шавкат Мирзиёев имзо чеккан «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармон ва «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарор жамиятимиздаги маданий муҳитни янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатлар орқали ҳар йилнинг 15 апрели — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат ходимлари кунини сифатида нишонланади. Шунингдек, 2020 йил сентябрь ойдан бошлаб музейларда ҳар ойнинг биринчи якшанбасида «Очиқ эшиклар кунини» ташкил этилади. Соҳада узоқ йиллардан буён йиғилиб қолган талай муаммоларга фармон ва қарорда белгиланган кенг қамровли чора-тадбирлар билан ижобий ечим топиладиган бўлди.

### Санъаткорлар ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояланади

— Янги ҳуқуқий тартибга кўра, санъаткорларнинг интеллектуал ва мулкӣ ҳуқуқларининг мустаҳкам тизимини жорий этилаётгани жуда улкан воқеа бўлди, — дейди Маданият вазири Озодбек Назарбеков. — Жумладан, Санъаткор, ижодкор ва ижрочилар муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиши палатаси ташкил этилиб, унга қатор имтиёз ва ваколатлар берилмоқда. Мазкур палата, биринчи навбатда, санъаткор томонидан яратилган асарга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилади. Шу билан бирга, умрбоқий санъат асарлари яратилиши, эътиборлиси, ижодкор яратган асаридан умрининг охиригача даромад олиши имконияти яратилади. Палата плагиат қўшиқлар пайдо бўлишига қарши курашади.

Халқимиз асл санъатни ҳамisha қадрлаган. Ушбу ҳужжатда ҳам ана шу жиҳатлар акс этган. Унга мувофиқ,



# ЖОНЛИ ИЖРО ҚАДР ТОПАДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижрода ўтказиладиган концерт томошалари учун ижара тўловлари 50 фоизга камайтирилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу адолат мезони ўрнатилганидан далолат беради. Қолаверса, ёшларни ҳақиқий ижод билан ҳамнафас бўлишга ўргатади. Айни пайтда эса ижара тўлови пасайиши чипта нархи арзонлашишига ҳам хизмат қилади. Бу дегани халқимизнинг асл санъатдан кўпроқ баҳраманд бўлишига имкон яралади.

### Ёш истеъдодлар қўллаб-қувватланади

Ёшларимиз орасида ноёб истеъдод эгалари кўп. Бироқ қўллаб-қувватлаш ва рағбат бўлмагани боис улар ўз қобилиятини намоён қилишолмайди. Фармонга асосан, ёш истеъдодларни излаб топиш, ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш тизими яратилади. Аввало, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб барча турдаги таълим муассасалари учун ноталар, махсус мусиқа адабиётларини давлат бюджети ҳисобидан чоп этиш ва уларни етказиб бериш тизими йўлга қўйилади. «Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот мультимедиа маркази» давлат муассасаси, бошқача айтганда, продюсерлик маркази ташкил этилиши эса яна бир имкониятдир.

### Миллий мусиқамиз учун алоҳида олий мактаб

Ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси — Юнус

Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилади. Бу ёшларимиз миллий санъатимиздан узоқлашяпти, деган хавотирлар билдирилаётган айни пайтда муҳим бир қадам бўлди. Мақом билан бирга, катта ашула, бахшичиликни қамраган олий мактаб санъатимиз ўқ илдишларини янада мустаҳкамлайди.

### Театр ривожини учун муҳим имтиёзлар

Ўзбек санъатини театрсиз тасаввур қилиш мушкул. Шу маънода ҳужжатда театрлар фаолияти қўллаб-қувватланиши ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, ҳар икки йилда Халқаро театр фестивалини ўтказиш йўлга қўйилиши улкан маънавий мактаб вазифасини ўташи шубҳасиз.

Бундан ташқари, театрларни янги спектакллар билан бойитиш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига драматик, мусиқали ва мусиқали драматик асарлар танлов асосида харид қилинади. Шу кунгача ушбу асарлар сахналаштириш учун фақат давлат театрларига берилган бўлса, 2021 йил 1 январдан бошлаб уларни хусусий театрларда ҳам сахналаштириш ва ижро этишга руҳсат бериладиган бўлди. Бу ижодий рақобатни юзага келтириш баробарида, кейинги пайтда фаолияти сустлаша бошлаган хусусий театрлар қўллаб-қувватланиши, ривожланиши учун айни муддао бўлди.

Ҳужжатда, шунингдек, кўғирчоқ театрларига ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, Навоий, Наманган, Тошкент вилоятларида шундай маданият муассасаларини ташкил этиш, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари кўғирчоқ театрлари биноларини куриш ва жиҳозлаш, Республика кўғирчоқ театрига Ўзбек миллий театри номини бериш белгилаб қўйилди.

### Таълимий соҳа такомиллашади

Бугина эмас, Республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи этиб қайта ташкил этилади. Коллеж учун цирк худудида янги бино барпо этилади. Бу орқали таълим ва амалиёт узвийлигига эришилади. Шунингдек, 2020-2021 йилларда ҳар бир худудда кўчма цирклар, хавонот боғлари ташкил этилиб, уларга солиқ,

ижара тўловлари масалаларида имтиёзлар берилади.

Янги ҳужжат билан маданият ва санъат марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг қўллаб-қувватланиши ҳам кўзда тутилди. Жумладан, маданият марказларини таъмирлаш, ходимлар моддий маълумотдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Айни пайтда Болалар мусиқа ва санъат мактабларида бепул ўқитиладиган ўқувчилар тоифаларига имконияти чекланган ўқувчилар ҳам киритилди.

### Санъат — халқ учун

Эндиликда Маданият вазири фаолияти, тузилмаси такомиллаштирилиб, унинг зиммасига аниқ вазифалар юклатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси 2025 йилгача амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Маданият ва санъат соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилади.

Умуман олганда, ушбу ҳужжатларда белгиланган чоратадбирлар қамрови кенг бўлиб, уларга бирма-бир тўхталиш имконсиз. Энг асосийси, амалга оширилажак ишлар келгусида маданият ва санъатнинг халқимиз ҳаётида ўрни ва аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Бу эса соҳа вакилларининг меҳнатини қадрлаш, маданият ва санъат муассасаларининг шарт-шароитларини яхшилаш орқали рўёбга чиқарилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

Монополияга қарши курашиш қўмитаси: «Импорт бензин учун акциз солиғининг оширилиши мақсадга мувофиқ эмас».

Иссиқ кунда

МУЗҚАЙМОҚДАН  
тийилиш керак...ми?

“

Ёз келиши билан яхна ва муздек маҳсулотларга талаб ортади. Бироқ улар истеъмолида ҳам тартибга ва баъзи қоидаларга амал қилиш лозим. Йўқса, бир мuddатлик роҳат учун соғлиғимизга зиён етиши тайин. Бугун ана шундай «роҳатихон»лардан бири — музқаймоқнинг фойдали ва зарарли жиҳатларига тўхталамиз.

Музқаймоқ — энг мазали, хушхўр ва ёз жазирамасидан сақловчи маҳсулот ҳисобланади. Музқаймоқ тўғрисидаги биринчи тарихий маълумотлар эраимиздан 3 минг йил олдинги «Шинзин» Хитой ашулалар тўғрисида келтирилган. Хитой императорлари рационада музлатилган шарбат бўлган.

Кайфиятни  
кўтаради, хотирани  
муштаҳкамлайди ва...

Музқаймоқнинг фойдали томони шундаки, агарда у сут ва қаймоқ асосида тайёрланган бўлса, организм учун жуда фойдали: 20 та аминокислота, 25 хил ёғ кислоталари, 30 дан зиёд минерал моддалар, 20 хил витаминлар, фосфор, магний, калий ва темир моддаларини ўзида сақлайди. Музқаймоқ организмда серотонин, яъни яхши кайфият гормонини ишлаб чиқаришга имкон беради. Хотирани кучайтириб, стресс билан курашишга ёрдам беради.

Семизлигу бош  
оғриғига сабаб бўлади

Хар яхшининг бир ёмони бўлган каби бу «оромижон»нинг ҳам зарарли томонлари бор. Хусусан, музқаймоқ юқори калорияли ва

шакарли маҳсулот бўлгани учун семизликка олиб келиши мумкин. Совуқ музқаймоқ ошқозон яраси ва сурункали гастрит билан оғриган беморларга, шамоллаш аломатлари бўлганда ва ҳомилдор аёлларга тавсия қилинмайди. Сахарозали музқаймоқ қандли диабет билан касалланганларга мумкин эмас. Музқаймоқ бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Чунки совуқ маҳсулот таъсирида бош мия қон томирлари торайиб, миянинг қон билан таъминланиши пайсатиради. Натижада бош оғриғи пайдо бўлади.

Болалар саломатлигини  
зиён етказадими?

Мутахассислар болаларга 3 ёшдан бошлаб музқаймоқни эритиб бериш мумкин, деб ҳисоблашади. Сабаби, бола организми қаймоқли ва ёғли десертни ҳазм қилишда қийналади. Аллергик таъсирлардан сақланиш учун болаларга қаймоқли маҳсулотлар тавсия этилади. Уни болаларга кечки овқатдан ярим соат олдин ёки тушлиқда берган маъқул.

Бироқ кунига 1 порциядан кўп музқаймоқ бериш тавсия қилинмайди. Болалар учун музқаймоқнинг фақат ёпиқ қадоқланган хилларини харид қилиш лозим.

Сифат талабига  
жавоб берадими?

Ўзбекистонда музқаймоқ давлат стандарти (O'zDSt 961) асосида ишлаб чиқарилиши лозим. Аммо айрим корхоналар ўзларининг «ташқилот стандартлари» (Ts) асосида турли таркибдаги музқаймоқлар ишлаб чиқаради. Уларда ҳар хил сунъий таъм берувчи моддалар, бўёқлар қўлланилиб, болалар саломатлиги учун зарарли хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, музқаймоқ таркибида маргарин ишлатилганда, унинг таркибида транс ёғ кислоталари пайдо бўлади. Ваҳоланки, фанда транс ёғ кислоталари — организм иммун тизимини

МАВЗУГА ДОИР  
МАЪЛУМОТ:Музқаймоқ ва  
кариес

Кўпчилик музқаймоқ кариес келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, музқаймоқ еганда пайдо бўладиган оғриқ, бу — тишларда муаммо борлигини кўрсатади. Музқаймоқ иссиқ овқат, чой ёки кофедан кейин дарҳол истеъмоқ қилинса тиш эмали дарз кетади. Музқаймоқ кариесни келтириб чиқаради, деган қараш эса ҳақиқатдан ийроқ. Чунки у дарҳол ютилади, оғизда кўп турмайди.

Гўшти  
музқаймоқ?!

Биз музқаймоқ фақат ширин бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Дунёда эса аллақачон саримсоқ, гўшт ва ҳатто саккизоёқ сиёҳи таъмли музқаймоқлар сотилмоқда. Ўзбекистонда бундайлари ҳақида эшитмадик, кўрмадик.

Оч қолдингми,  
музқаймоқ е!

Музқаймоқ табиий сўлдан тайёрланган бўлса, нафақат кишини тинчлантиради, балки мияни озиклантиради ҳам. Унинг энг фойдали жиҳатларидан яна бири, бу — сутнинг организмга энг фойдали компонентлар билан кириб боришидир. Юқори калорияли бу маҳсулот очликни босадиган озуқа сифатида ҳам эътироф этилади.

РИСОЛАТ тайёрлади.




пайсатириши, болалар ривожланишини сусайтириши, саратон касалликлари ва диабетга олиб келиши асосланган. Шу боис аксарият мамлакатларда маҳсулотлар таркибидagi транс ёғ кислоталари миқдори чегараланган. Бундай ёғлар маҳсулотда 2 фоиздан ошса, истеъмоқ қилиш тақиқланади. Ўзбекистонда транс ёғ кислоталари муаммоси ҳал қилинмаган. Афсуски, аксарият маҳсулотлардаги каби музқаймоқда ҳам унинг миқдори текширилмайди.

Музқаймоқ харид  
қилаётганда...

Музқаймоқ харид қилаётганда унинг ёрлиғидаги таркибига эътибор қаратинг. Агарда таркибда маргарин, ароматизаторлар ва бўёқлар кўрсатилган бўлса, бундай маҳсулотни болаларга берманг. Музқаймоқ эригандан кейин уни қайта музлатманг. Боиси бундай маҳсулотлар захарланиш ва юқумли касалликларга сабаб бўлади.

Музқаймоқ танлаётганда унинг тўғри шаклда ва муштаҳкам ўрамда эканини кўздан кечириг. Агар унинг шакли ўзгарган бўлса, демак, қайта музлатишдан ўтаётган бўлади. Чиройли ранг ва машҳур номга қарамай, музқаймоқ сақланаётган шарт-шароитга эътибор беринг. Кичик бир хатони деб саломатлигингизни хавф остига қуйманг.

**Анатолий ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг овқатланиш  
гигиенаси бўйича бош  
мутахассиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор.



Ўзбекистонда I ва II даражали «Саломатлик» ордени ҳамда «Соғлом турмуш» медали таъсис этилди.

# Коронавирус ва КАШАНДАЛИК ўртасида ўхшашлик борми?

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1988 йилда 31 май санаи кашандаликка қарши кураш куни деб эълон қилинган. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича 1,3 миллиарддан зиёд одам тамаки чекади. Сўнги ўн йилликда уларнинг сони кескин ортмоқда. Кашандалик фақат сигаретга муккасидан кетиш эмас, нос, чилим, қиздириладиган тамаки, электрон сигарета, никотинли тамакисиз снюс, турли гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш орқали ҳам намоён бўлмоқда.

## Кашандалик дунё иқтисодиётига қанчага тушмоқда?

Маълумотларга кўра, барча чекувчилар бир йилда сигарет харид қилишга ярим миллион доллар сарфлаши аниқланган. Кашандаликнинг 10 йил мобайнида чекиш учун сарфлаган пулига янги автомобиль харид қилиш мумкин экан, Энг ачинарлиси, ер юзиде ўлим кўрсаткичларининг деярли 8 миллион таси кашандаликнинг салбий оқибатига тўғри келмоқда.

Бу иллат нафақат шахсининг ўзига, балки ён-атрофдагилар саломатлигига ҳам катта зиён етказиши, бундан хаттоки иқтисодиёт тармоқлари ҳам катта зарар кўради. Олимларнинг қайди этишича, тамаки саноати, мазкур саноат маҳсулотлари ҳамда кашандалик туфайли бир йилда жаҳон иқтисодиёти бир триллион доллар миқдориде зарар кўрар экан. Бунга соғлиқни сақлаш тизимидаги сарф-харажатлар ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши киради.



## Одам нима учун чекади?

Сигарета қадоғиде «Чекиш инсонни ўлдиреди», «Чекиш умрингизни қисқартиради» каби ёзувларни кўрса-де, кашанда оғоҳликка чорловни қабул қилмайди. Гўёки тамаки унинг назариде сиқилишни «даволайди». Бироқ бу бепарволик ўзи ва яқинлари жонига қасд қилиш эмасми?

Айрим ортиқча вазн эгалари эса уни оздирувчи восита деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, организмга ҳеч қандай зарар етказмайдиган фойдали машғулотлар талайгина. Кунига камида 30-40 минут яёв юриш, 1,4 дан 2 литргача сув ичиш, қарийб 400 грамм (5 порция) мева-сабзавот (картошка бундан истисно) истеъмол қилиш, овқат рақционидеги ҳайвон ёғларини ўсимлик ёғи билан алмашти-

риш тавсия қилинади. Ранг-баранг кутилар қанчалик жилдодор бўлмасин, унинг ичиде оғу турганини унутмаслик керак.

## Чекиш хавfli ўсма касалликларини келтириб чиқаради

Тамаки ёнган вақтида 250 га яқин зарарли модда ажралади. Ундан, асосан, нафас олиш тизими аъзолари ва юрак қон-томир системаси азият чекади, оғиз бўшлиғи — тиш, милкка етказадиган зиёнини айтмасак ҳам бўлади. Чекувчининг иммунитети пасаяди ва никотин ички аъзоларга зарба берувчи ялиғланиш жараёнини стимуллади. Чекиш ўпка саратонидан ташқари, яна 13 турдаги хавfli ўсмани келтириб чиқаради.

бузилади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворини зарарлайди. Жиғилдон қайнайди. Меъда керагидан ортик шира ишлаб чиқаради. Бу эса меъда раки, ўн икки бармоқ ичак яраси каби касалликлар ривожланиши учун айни муддаодир.

## COVID-19 билан ўхшашлиги борми?

Тамаки чекувчиде коронавирусни юқтириш хавfli юқори экани ҳақида аниқ маълумот бўлмасаде, унда ўткир респиратор касалликлар жуда осон, тез ривожланиши таъкидланмоқда. Янги инфекция ва кашандалик ўртасидеги ўзаро боғлиқлик ва ўхшашлик шундаки, ҳар иккиси ўпкани зарарлайди ва захарлайди. Коронавирус қисқа муддатда, сигарет эса узок йиллар мобайнида нафас йўллари функциясини издан чиқаради.

Агар COVID-19 чекувчиге юқса, унда чекмайдиганларга нисбатан оғир асоратлар келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида жуда кўп далиллар таҳлил қилинмоқда. Чунки чекиш ўпкани шикастлаб, унинг фаолиятини бузади. Ўпка табиий равишда шиллиқ модда ишлаб чиқаради, лекин чекувчиде унинг миқдори кўп ва анча қуюқ. Уни ўпкандан чиқариб ташлаш қийин бўлгани боис, тикилиб қолади ва инфекция ўпкани осон зарарлайди.

## Зарарли одатдан воз кечиш мумкинми?

Ҳар қанча кашанда бўлмасин, иродаси бакувват, нафсини жиловлай биладиган киши бу зарарли одатдан қутулиши мумкин. Бунда, аввало, нарқолог шифокор билан маслаҳатлашиш зарур. Унинг назоратиде бўлиш, тавсияларига қараб иш тутуш зарарли одат билан хайрлашиш шартидир.

Бу орада сут ва ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган озиқ-овқатлар тановул қилинса, муаммо қисқа муддатда бархам топади. Спорт билан шуғулланиш эса заифлашган иродани қисқа муддатда тоблайди.

**Шухрат ШУКУРОВ,**  
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
Тамакига қарши кураш бўйича  
бош консультанти.



«Қизил» ва «сарик» худудларда кунлик тест олиш сони оширилади.

# Фарзанд тарбиясида

## АДОЛАТ ТАРОЗУСИ тенг бўлмоғи керак

Фарзанд тарбияси ҳар бир ота-она учун энг масъулиятли вазифалардандир. Айниқса, ўғил-қизларимиз орасида тенглик, адолатни таъминлаш тарбияда муҳим роль ўйнайди. Афсуски, кўп ҳолларда биз бунга кўп ҳам эътибор беравермаймиз.



**Саидфазал САИДЖАЛОЛОВ,**  
Халқаро ислом академияси  
катта ўқитувчиси.

Аслида эса уларга доим бир хилда муомалада бўлишимиз даркор. Улар орасини ажратсак, бирини иккинчидан устун кўйсак, турлича муносабатда бўлсак, бир кун келиб улар орасига билиб-билмай ҳасад (ғайрлик) уруғини сочган бўламиз. Бу эса уларнинг оқибатсиз бўлиб ўсиши ёки ҳулқиға таъсир этиши мумкин. Фарзанд тарбияси мана шундай нозик жиҳатлари борлиги учун ҳам оғир ва, ўз навбатида, энг савобли вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу масъулиятли вазифада оталар учун Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ажойиб ваъдалари бор: «Инсоннинг ўз фарзандини тарбия қилиши бир соъ (1040 дирхам, 3500 грамм) миқдоридаги садақа бергандан хайрлидир» (Жобир (р.а.) ривояти) деб марҳамат қилганлар.

### Фарзандларга адолатли бўлинг

Ҳар жабҳада ота-она фарзандларини бир-биридан айирмаслиги керак. Кийим-кечак олиб беришда, едириб-ичиришда, ҳатто совға беришда ҳам тенгликни сақлаган ҳолда, уларга ранги, қиймати бир хил бўлганларини бериш лозим.

Нўмон ибн Башир (р.а.) шундай деган экан: «Отам менга бир ҳадя қилди. Шунда (онам) Амра бинти Равоҳа: «Сек: Расулulloҳ (с.а.в.)ни гувоҳ қилиб келтирмагунингча рози эмасман» деди. Расулulloҳ (с.а.в.) келганларида (отам) деди: «Мен Амра бинти Равоҳадан (туғилган) ўғлимга бир ҳадя қилдим. Аёлим унга сизни гувоҳ қилишимни сўради, эй Расу-



лulloҳ!» деди. Шунда Пайғамбар (с.а.в.): «Қолган фарзандларингга ҳам шундай ҳадя бердингми?» деб сўрадилар. У киши: «Йўқ», деди. Шунда у зот: «Аллоҳдан қўрқинглар, фарзандларингиз орасида адолат қилинган!» деб таъкидладилар. Шунда отам қайтиб келиб, ҳадясини қайтариб олди» (Бухорий ривояти). Ҳадя бераётганда ҳам болаларни бир-биридан устун кўймаслик талаб этилади. Аммо айрим фарзандларига адолат нуқтаи назаридан янада эътиборлироқ бўлишнинг зарари ҳам йўқ. Масалан, бир фарзанд алоҳида иқтидорини ва тиришқоқлигини намоён қилди. Бошқа болаларига уни ибрат қилиб, иқтидори ва тиришқоқлиги учун алоҳида ҳадя бериш жоиздир. Шарти, унга эргашган бошқа болаларга ҳам худди шундай ҳадя бериш зарур. Агар акси бўлса, адолатга хилоф бўлади. Бундан мақсад — илм-маърифат ва касб-хунарға рағбатлантиришдир.

### Уч қизни камолга етказганга жаннат ваъда қилинган

Жоҳилият даврида қиз болалар ҳурмати топталган, уларга бир буюмдек қаралган, ҳатто қиз кўрганидан ор қиладиган «ота»лар фарзандини тириклайин кўмишгача борган. Исломи дини қизларга, умуман, аёллар ҳақ-ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратди, уларни камситмасликни таъкидлади, кадр-қийматини олий даражаларга кўтарди. Совға олиб келганда, биринчи қиз фарзандларга бериш ҳақидаги кўрсатма ҳам ислом таълимотида қиз фарзанднинг ўрни нечоғли катта эканини билдиради.

Яҳё ибн Абу Қасирдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ (с.а.в.): «Совға

беришда фарзандларингизни тенг кўринглар! Агар бирортасини афзал кўришинг керак бўлса, қизларни ўғил болалардан афзал кўрасан», деганлар (Саид ибн Мансур ривояти).

Исломи шариатида қиз боланинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъзозлаш ҳақида алоҳида кўрсатмалар келган. Қиз фарзанд туғилганда хурсанд бўлиш, совғани аввал қизлардан бошлаш, уч нафар қизни имонли-эътиқодли, одобли қилиб тарбияласа, жаннатий бўлиш ҳақидаги ҳадиси шарифлар фикримиз исботидир. Хусусан, унда: «Кимнинг учта қизи бўлса ёки учта синглиси бўлса ёхуд икки қизи ёки икки синглиси бўлса, у уларнинг суҳбатини яхши қилган бўлса ва уларнинг ҳақида Аллоҳга тақво қилган бўлса, унга жаннат берилур», дедилар» (Термизий ва Абу Довуд ривояти).

Исломи динида адолат ва тенгликни сақлаш нафақат моддийат билан боғланади, балки фарзандларга меҳр-муҳаббат бериш ва эркалашда ҳам адолатни сақлаш керак экани таъкидланади. Шунингдек, фарзандларга меҳр кўрсатишнинг ўзи ҳам, уларни ўпиб эркалаш ҳам катта савоб экани айтилади. Ҳадиси шарифда бу ҳақда шундай дейилади: «Тудакларингизни кўп ўпинг, ҳар ўпганда Жаннатдаги даражангиз юксалади» (Бухорий ривояти).

Хулоса қилиб айтганда, фарзандларимизга берган меҳримиз, тарбиямиз кун келиб қадримизни юксалтиради. Нафақат оиламиз, балки миллатимиз, халқимизнинг эртанги куни порлоқ бўлишини таъминлайди. Шу боис ўғил-қизларимизни тарбиялашда алоҳида масъулият, кунт билан ёндашлишимиз керак. Бунда ҳеч бир жиҳатни эътиборсиз қолдиришга ҳаққимиз йўқ.



### МЕНДА САВОЛ БОР...

«Олган қарзим эсимдан чиқиб кетса...»



— Баъзан қарз олиб, вақт ўтгач, кимдан қанча қарз эканини унутиб қўядиган одамлар бўлади. Шундай ҳолатларда қарзни қандай адо қилса бўлади?

**Ойбек ТИЛЛАЕВ.**  
Қашқадарё вилояти.



**Исоҳқожон БЕГМАТОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлар идораси масжидлари бўлими масъул ходими:

— Одатда, қарз олиб юрадиган одамларингиздан қарзингиз бор ёки йўқлиги ҳақида сўраб чиқасиз. Аслида қарз олган кишининг унутиб юбориши — унинг жуда ҳам лоқайдлигидир. Қарз берган киши унутиб қўйишни тушуниш мумкин. Лекин қарз олган кишининг унутиб юбориши унинг диёнатсизлиги ҳисобланади. Агар эсдан чиқариб қўйиш хавфи бўлса, ёзиб юринг. Зеро, «Эй, имон келтирганлар! Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз!» («Бақара» сураси 282-оят) дейилган.

Аллоҳнинг буйруғига амал қилинмаганидан турли муаммолар келиб чиқарверади. Юқоридаги ҳолат ҳам шулардан биридир. Шу боис мусулмон киши ҳар бир ишни қилишдан олдин «бунга шариатимиз нима дейди?» деган саволга жавоб топиб, сўнгра унга мувофиқ иш қилмоғи керак. Акс ҳолда муаммолар кўпаяверади.



Ўзбекистонда яна бир мадраса очилди.

# «БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ»: пандемия шароитида унинг келажаги қандай бўлади?

Хитой раҳбари Си Цзиньпиннинг катта амбицияли «Бир макон, бир йўл» ташаббуси глобал иқтисодиётнинг карантинга ўтиши муносабати билан шаклан ўзгармоқда, аммо пандемия ҳам унинг мақсадларига дахл қилмаган. Ушбу ғоя дастлаб Осиё ва Европа ўртасидаги қадимий Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши сифатида ишлаб чиқилган.

Ташаббус беш қитъани денгиз ва куруқлик йўлаклари билан боғлашни назарда тутди. 2013 йилдан бери унда умумий аҳолиси 4,6 миллиард киши ва ялпи ички маҳсулоти 29 триллион АҚШ долларига тенг ўнлаб мамлакатлар иштирок этмоқда. 2017 йилда Хитойнинг лойиҳа иштирокчилари билан савдо ҳажми 6 трлн. долларга баҳоланган.

## АҚШ ва ғарб давлатлари бу тузилмага қаршимиз?

Албатта, ғарб сайёрани забт этаётган Пекин ҳаракатини тинчгина кузатиб турмайди. «Бир макон, бир йўл» ташаббусига жавобан АҚШда Халқаро тараққиётнинг молиялаштириш корпорацияси (DFC) ташкил этилган, аммо бу ташкилот ҳозирча аниқ муваффақияти билан мактана олмайди. Аммо Чин ташаббусига муқобил режа тузиш йўлида ташланган қадам сифатида баҳоланмоқда.

Ҳозирда ташаббусга АҚШнинг 60 миллиард долларлик капиталга эга Халқаро тараққиёт молия корпорацияси етакчилик қилади. Ҳукуматга қарашли Халқаро ҳамкорлик бўйича Япония банки ва Австралия Ташқи ишлар департаменти ҳам ҳамкорлар сифатида лойиҳага қўшилган. «Катта еттилик»ка аъзо бошқа давлатлар ҳам унда иштирок этиш учун тақлиф қилинган. АҚШ расмийлари, айниқса, Хитойга қўшни ва рақобатчи бўлган Ҳиндистоннинг лойиҳага қўшилишдан умид қилмоқда.

АҚШ бошлаган бу ташаббус Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси салмоғи олдида жуда кичик. Хорижий мамлакатларда инфратузилма қурилишини молиялаштириш кўзловчи Хитой ташаббуси 140 га яқин давлатни ўз ичига олади ва бир неча триллион долларлик маблағ сарфланиши кўзланган. Бироқ АҚШ лойиҳасининг қанчалик муваффақиятли чиқиши ҳақида гапиришга ҳали эрта.

## Коронавирус таъсири сезилмасдан қолмади

«Бир макон, бир йўл» лойиҳаси Хитойнинг Осиё инфратузилма инвестициялари банки учун энг муҳим ишга айланган. Лойиҳанинг

фақат Осиё қисми 2030 йилгача 26 трлн. доллар қийматга эга бўлади. Қашшоқ ва ривожланаётган давлатлар бунинг инвестиция манбаси сифатида қўришлари ажабланарли эмас. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, лойиҳанинг деярли уч мингта (2982) тадбирига 3,6 триллион доллар сарфланиши режалаштирилган. 2019 йилнинг тўртинчи чорагида 360 миллиард долларлик лойиҳалар ишга туширилди.

Албатта, бундай улкан иқтисодий ва сиёсий ҳаракатни пандемия туфайли бирдан тўхтатиб бўлмайди. Аммо у коронавирус пайдо бўлиши туфайли бир қатор муаммоларга дуч кела бошлади. Давлатлар ва бутун иқтисодиёт ўртасидаги чегаралар ёпилиши билан, табиийки, «Бир макон, бир йўл» таркибига кирган йирик лойиҳалар ёпилиши ёки музлатилиши бошланди.

Жумладан, Хитой ишчилари ва қурилиш материаллари оқимининг ҳаракатланиши чеклангани сабабли, Пекин талабига биноан, мегалойиҳада секинлашув ку-

Хитойнинг ички муаммолари унинг «Бир макон, бир йўл» ташаббусига бўлган қизиқишини сусайтирмайди. Зеро, ҳозирги кунда бу ташаббус Пекин учун давлатнинг стратегик режаларининг муҳим нуқталаридан биридир.

затилмоқда. Лойиҳа қиймати 62 миллиард долларга баҳоланган Хитой — Покистон иқтисодий коридорида иш тўхтатилди, Камбоджадаги Шиханоквилле махсус иқтисодий зонасида, Бангладешдаги йирик Пайра кўмир электр станциясида ҳам аҳвол шундай.

Шунингдек, Малайзиянинг шарқий қирғоғида қурилиши ре-

жаланган 10,4 миллиард долларга баҳоланган темир йўл иши ҳам тўхтаган. Шри-Ланка, Индонезия, Малайзия, Мянма ва бошқа мамлакатларда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш кейинги муддатга қолдирилди.

## Ташаббусдан Ўзбекистон қандай манфаатдор?

Ўзбекистон ҳам лойиҳа орқали Марказий Осиёдаги транспорт салоҳиятини максимал даражада очиш ва «Хитой — Марказий Осиё — Ғарбий Осиё» иқтисодий йўлини шакллантиришдан манфаатдор. Ушбу мақсадда 2016 йилда Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи «Ангрен — Поп» электрлаштирилган темир йўли қаро этилди. Мазкур линия Хитойгача бўлган масофани 270 километр қисқартириш имконини берди.

Бундан ташқари, «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» темир йўли қурилиши натижасида Ўзбекистондан Хитой ва Жанубий Осиёга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти юзага келади, юк ташиш вақти 5-6 суткага қисқаради. Жанубий портларга чиқиш имконини берувчи «Мозори-Шариф — Қобул — Пешавор» темир йўлининг қурилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда Мозори-Шариф ва Қобул ўртасида магистраль йўл ўтмоқда. Ўзбекистон ва Тожикистондан Афғонистон пойтахтига олиб борадиган электр узатиш линиялари тортилган. Ушбу транспорт ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришни таъминлаш учун Ўзбекистон томонидан «Марказий Осиё ва Афғонистон учун молиявий мулоқот»ни ташкил этиш бўйича ташаббус эълон қилинган.

Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Хитой Давлат кенгаши аъзоси, Ташқи ишлар вазири Ван И билан 5 май кунги телефон орқали мулоқот қилиб, айрим масалаларни келишиб олди. Масалан, унда олий ва юқори даражадаги тадбирларнинг жадвали ва кун тартиби муҳокама қилинди. Эпидемиологик ҳолатнинг яхшиланиши билан Ташқи ишлар вазириликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатда-

ги раундини, ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро кўмитасининг соҳавий кичик кўмиталари йиғилишларини ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

## Хитой ривожланаётган давлатларни қарзга ботириятими?

Ғарбнинг «Бир макон, бир йўл» масаласидаги энг катта эътирози — Хитойнинг ривожланаётган давлатлар манфаати билан ҳисоблашмай, уларни қарзга ботираётганида акс этади. Масалан, 2017 йил якунига кўра, Шри-Ланка ҳукумати Хитой қарзи билан қурилган Хамбантот порти учун олинган пуллар фоизини ўз вақтида тўлай олмади. Натижада умумий қиймати 1,3 миллиард долларга тенг бандаргоҳ 99 йил фойдаланиш ҳуқуқи билан Хитой компаниясига ижарага топширилди.

Иқтисодиётнинг вирус туфайли ёпилиши ривожланаётган мамлакатлар учун қарз босимини яна оширади. Германиянинг Киль шаҳрида жойлашган Жаҳон «Иқтисодиёт институти» позициясига кўра, Хитой икки томонлама келишувлар параметрига мувофиқ, дунёдаги энг катта қарз берувчидир ва Пекиннинг ривожланаётган 50 та давлат иқтисодиётидаги умумий ҳақи ўртача ЯИМнинг 2015 йилдаги 1 фоизидан 2017 йилда 15 фоизгача ўсган. Сайёра мамлакатларининг Хитойдан қарзи янги асрнинг 17 йилида ўн баравар ошган ва 5 трлн. долларга тенг.

Аммо пандемия туфайли Хитой иқтисодиёти бир неча ўн йиллар ичида биринчи марта 2020 йилнинг биринчи чорагида жиддий муаммога дуч келди. Мамлакатда ишсизлик кескин ошди. Пекин бор имкониятларини ички муаммоларни ҳал қилишга сарфлашга қарор қилди. «Бир макон, бир йўл» учун бу қарор, эҳтимол, кейинги ёки икки йилда инвестицияларнинг қайишини англатади. Бироқ Хитойнинг ички муаммолари унинг «Бир макон, бир йўл» ташаббусига бўлган қизиқишини сусайтирмайди. Зеро, ҳозирги кунда бу ташаббус Пекин учун давлатнинг стратегик режаларининг муҳим нуқталаридан биридир.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.



Россиялик миллиардерлар пандемия вақтида 62 млрд. долларга бойишди.

# ОТ спортининг оммалашмагани улоққа боғлиқ эмас!

Ривоят қилишларича, Аллоҳ инсонни яратиш учун қора тупроқни амр этиб пишитган эмиш. Инсоннинг энг улуг жонзот бўлишини билган тулпор лойни тепкилаётиб кўзига ёш олган экан. Шу тарика инсон зуваласига унинг кўз ёши ҳам қўшилган эмиш. Дарҳақиқат, халқимиз доим отни ўзига яқин олган, улуглаган. Ана шу меҳр ҳосиласи ўлароқ, юқорида ёд олганимиз каби афсоналар пайдо бўлган. Ҳатто бутун миллатнинг тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда Алпомишдай мард ўғлони Қоражон каби дўстга эмас, Бойчиборга ишонган.

Ҳўш, халқимиз отни шу қадар улуглар экан, нега юртимизда от спорти унчалик ривожланмаган? Нега биз от спорти чемпионларини танимаймиз? Балки кўпқари каби миллий ўйинимиз борлиги учун ҳам от спортининг бошқа турларига қизиқиш камдир? Айни мулоҳазаларимизга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, миллий терма жамоамиз бош мураббийи Алихон АЗИЗОВни суҳбатга қорладик.

## Соҳада жонкуярлар етишмайди

— Очиғи, мақтансак арзийдиган, дунё ареналарида юрт байроғини баланд тутган спортчиларимиз талайгина, — дейди А.Азизов. — Бу йил карантин сабаб катта мусобақалар қолдирилди. Аммо ўтган йили Россия, Испания, Қатар ва Голландия каби мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритганмиз.

От спортининг юртимизда оммалашмаганининг сабаби эса улоққа қизиқишимиз билан боғлиқ эмас! Юртимизда от спорти-

нинг тарғиботи етарлича йўлга қўйилмаган. Қолаверса, авваллари пойтахтимиздаги «Отчопар» майдонида катта мусобақалар ташкил этиларди. Томоша қилишга келган ота-оналар, ёшлар қизиқиш билдирар эди. Ўз навбатида, мураббийлар ҳам бу жараёнда шогирдларни танлаб оларди. Афсуски, бутун тарғиботнинг яхши эмаслиги туфайли ҳатто жаҳон чемпиони бўлган от спорти усталарини ҳам кўпчилик танимайди.

## Нега ҳудудлардан чемпионлар чиқмаяпти?

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спорти янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини босқичма-босқич ташкил этиш белгиланди.

Айни пайтда Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро каби қатор вилоятларда ҳам от спорти мактаблари фаолият юритяпти. Лекин кейинги йилларда фақат пойтахт мактабининг спортчиларигина кўзга кўринадиган натижаларга эришмоқда. Бошқа ҳудудлардаги спорт мактабларининг бу борадаги кўрсаткичи яхши эмас.

Буни вилоятлардаги спорт мактабларида етарлича имконият йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бир неча йиллар аввал от спорти мактаблари тугатилиб, футбол, кураш, бокс каби турларини ўзида жамлаган мактаблар таркибига

қўшилиб юборилди. Энг ёмони, ушбу мактабларнинг аксариятига от спортга бегона одамлар раҳбарлик қилади. Натижада от спорти тўғрақлари фақат ҳужжатлардагина бор бўлиб қолди.

## Мураббийлар фаолияти талабга жавоб берадими?

Бутун нафақат мураббийларнинг дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, балки малакасини ошириш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Юқоридаги қарорда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи назарда тутилган ва бу борадаги ишлар аллақачон бошланган. Аммо уларнинг тўла амалга ошиши учун маълум муддат керак.

Яна бир сабаб — энг яхши мураббийлар пойтахтда ишлайди, улар вилоятларга бориши, ёшларни қизиқтириши, ўша жойдаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиши керак! Шундагина бирон натижага эришиш мумкин. Чунки соҳани ривожлантириш, Президент қароридан белгиланган ишларни тўла амалга ошириш учун бир-икки кишининг жон койитиши етарли эмас!

Қолаверса, чемпионларни мамлакат миқёсида рағбатлантириш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Рағбат учун, албатта, уй ёки машина бериш шарт эмасдир, лекин уларни ҳам муносиб кутиб олиш, ОАВ орқали халқимизга таништириш керак.

## От спортида ғалабага эришиш осонми?

Ҳеч бир ғалаба осонлик билан кўлга киритилмайди. Ахир, спортда «осон» деган сўзнинг ўзи йўқ. Лекин от спортининг бошқа спорт турларига қараганда қулайликлари бор. Масалан, унда натижага эришиш имконияти кенг. Яъни кураш ёки боксда яхши

## Дарвоқе...

Дунё йилқичилигида икки хил — тарихий ва селекция йўли билан яратилган зотлар мавжуд. «Самовий тулпор» дея таърифланадиган Қорабайир эса тарихий зотлар сирасига кирди. У 3-3,5 минг йиллик генофондга эга. Бу зотни ўрганган рус олимларининг ёзишича, етти ёшли Қорабайир айғири текис йўлда 3 тоннадан ошқ юкни 45 км. масофагача тортиб бориши мумкин. Юртимизда от спорти тахминан 3 минг йиллик тарихга эга. Улоқ (кўпқари), оломон-пойга, «ағдарил», «қиз қувди» халқнинг миллий от спорти ўйинлари ҳисобланиб келган.

спорт формасини эгаллаш учун билақда куч, ёшда маълум чегара бўлиши шарт.

От спортида эса кишининг жисмоний имкониятлари иккинчи даражали. Биринчи ўринда отта меҳр бўлиши керак. Агар от билан тиллаша олсангиз, у билан бир бутун оламга айланасиз ва бу сизни ғалабага етаклайди. Шу боис ёшларни от спортга қабул қилишда уларнинг отта муносабати ҳисобга олинади, холос.

От спортидаги яна бир яхши жиҳат — спортчи қаримайди. Қирқ яшар футболчининг катта майдонда тўп суриши қаҳрамонлик ҳисобланади. Лекин от спортида 50-60 ёшда ҳам бемалол жаҳон чемпиони бўлиш мумкин. Шу маънода бу спортда орзуларга эришиш имконияти кенг.

## Қачондан бошлаб шуғулланиш мумкин?

Бу спорт тури билан шуғулланмоқчи бўлганлар машқларни ёшлигидан бошлаши керак. Биз авваллари 10-12 яшар ўғил-қизларни спорт мактабига қабул қилардик. Ҳозир эса фарзандларимиз 9-10 ёшдан эгарга ўтиришни ўрганипти. Аммо дунё тажрибасида болалар 4-5 ёшидан шуғулланишни бошлаб, 10 яшар бўлгандан чемпион бўляпти. Демак, биз ҳам шу тажрибани ўзлаштиришимиз керак.

Аксарият ота-оналар боласи отдан йиқилишидан хавотир олишади. Улар отдан йиқилмайди, чунки болада кўрқув ҳисси кам бўлган учун ўзини эгарда бемалол ҳис этади. Қолаверса, улар дастлаб паст бўйли отларда шуғулланишади ва бу жароҳат олиш эҳтимолини камайтиради.

«Mahalla» муҳбири  
Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ  
ёзиб олди.




Ўзбекистонда ҳудудий футбол ассоциациялари ташкил этилади.



# АМИР ТЕМУР

## Ҳаж зиёратига борганми?



Соҳибқирон ҳар доим мусулмон руҳонийларининг барча намоёндалари билан ўта дўстона муносабатда бўлган. Бу унга отасидан ўтган ҳислат эди. Падари бузруквори Тарағай исломда тақводор бўлиб, кўп вақтини дарвешлар билан ўтказарди. Чиғатой улусининг нуфузли бекларидан бири бўлган бу баҳодир шайх Шамсиддин Кулолни ўзига пир тутганди. Соҳибқироннинг ҳам бу пирга ихлоси жуда кучли бўлди.

Соҳибқирон шариат арконларини мустаҳкамлаш, ислом дини қонун-қоидаларига қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор берди. Ислам динини ёйишга бутун куч-қувватини сарфлади. Тарихда ислом дини ва унинг қонун-қоидаларининг оташин ҳомийси сифатида ном қолдирди.

### Улуғ пирлар дуоси ижобат бўлди

Темур пирлари муршидлар, руҳоний (маънавий) устозларга ўз саройининг тўридан жой берди. У ҳар вақт ўзи ҳам шариат қонун-қоидаларига қатъий амал қилди. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг қайд этишича, шайх Шамсиддин Кулолдан олган дуосини Соҳибқирон доимо ўз муваффақиятларининг энг биринчи сабаби деб билган.

Амир Темур пирларидан бири, асли Макка шаҳридан бўлган Саййид Барака 1370 йилда Балх қалъаси эгалланишидан олдин Темурнинг олдига келади. Улуғ шайх Темурга ҳокимият рамзи ҳисобланган ноғора ва байроқ тутқазиб, унинг порлоқ келажакдан башорат қилади.

Бундан ташқари, Саййид Барака ўз дуоси билан Соҳибқироннинг ганимларга қарши курашида ҳам уни қўллаб-қувватлайди. Масалан, Ибн Арабшоҳнинг маълумот

беришича, 1391 йилда ўрта асрлардаги энг йирик жанглардан бири — Кундузча жанги олдида Саййид Барака дуо қилиб, омад тилагани учун Амир Темур ундан ғоятда мамнун бўлган.

1391 йил 18 июнь — жанг кунини эрта тонгда Соҳибқирон кўшини кўз ўнгида отдан тушиб, Аллоҳдан мадад тилаб икки ракат намоз ўқийди. Ҳар икки томондан 500 мингга яқин жангчи иштирок этган муҳораба Соҳибқирон ғалабаси билан яқунланади.

### Дамашққа ташрифни Жомедан бошлаган

Темур ўзи забт этган мамлакатларда ҳам руҳоний раҳбарларни ҳимоясига оларди. Кўпинча улар шахсан Соҳибқирон хузурига келтириларди. Амир Темурда катта таассурот қолдирсалар, уларни ўз саройида ёки Самарқандда хизмат қилишга таклиф этар ёки ўз мамлакатларида қолишларига бағрикенглик билан рұхсат берарди. Темур дин уламоларини доимо омонликда сақлаган.

Соҳибқирон азиз авлиёлар ҳурмати бажо келтириб, улар хотирасига алоҳида эътиром билан қараган. Ўрта аср тарихчилари томонидан манбаларда қайд этилишича, «Дунё жаннати» деб аталган Дамашқ шаҳрида тургани-

да Пайғамбаримизнинг хотинлари Умм Салама ва Умм Ҳабибанинг мақбаралари устига муносиб гумбазлар қурдилади. Дамашққа келганининг биринчи куниниёқ Темур, энг аввало, умавийларнинг машҳур Жомесини зиёрат қилиб, унда намоз ўқийди.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида келтирилишича, Амир Темур тасаввуфнинг машҳур намоёндаларидан бири, халқ орасидаги «Мадинада Муҳаммад Туркистонда Хожа Аҳмад» деган нақл соҳибини Аҳмад Яссавийнинг Ясси шаҳридаги қабрини кўп зиёрат қилган. Унинг фармонида кўра, бу табаррук шайхнинг қабри устида улкан мақбара мажмуи бунёд этилган. Бинонинг лойиҳасини ишлаб чиқишда Темурнинг ўзи шахсан иштирок этган.

### Соҳибқироннинг қатъий одати

Муаллифлар жамоаси томонидан яратилган «Амир Темур жаҳон тарихида» номли китобда қайд этилганидек, азиз авлиёларнинг мазорларини ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш Соҳибқирон учун қатъий одат эди. Темур ҳар қачон, ҳатто ҳарбий юришлари пайтида ҳам бу одатга сўзсиз амал қиларди. Азиз авлиёларнинг мазорлари жойлашган шаҳарларга зоти покларнинг ҳурмати юзасидан зиён-заҳмат етишига йўл қўймасди.

Машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири Ибн Халдун (1332–1406) қамал қилинган Дамашққа келиб қолади. Шу аснода у Амир Темур томонидан қабул қилинади ва икки буюк инсон ўртасида узоқ ва мароқли суҳбат бўлиб ўтади. Учрашув чоғида машҳур тарихчи Соҳибқиронга Куръони каримнинг гўзал бир нусхасини ҳадая қилганда Амир Темур шошлинч ўрнидан туриб, муқаддас китобни ўпиб бошига қўйган.

Амир Темур бошқа давлатлар,

айниқса, мусулмон давлатлари бошлиқларига йўлаган мактубларидан Куръон оятларидан кўп фойдаланарди. Масалан, 1393 йилда қулдан чиққан ҳукмдор — Миср султони Барқуққа жўнатган иккинчи мактубида Соҳибқирон тегишли ўринларда етти марта муқаддас китобдан оятлар келтириб, ўз фикрини ифода қилган.

### Ҳаж ҳақидаги ўйлар

Умрининг охирида, хусусан, усмонли турк султони Боязид Йилдирим устидан 1402 йилда Анқара жангида қозонган ғалабасидан кейин Амир Темур «Шаҳарлар онаси» Макка муқаррамини зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этишни мақсад қилган.

XV асрнинг машҳур Миср тарихчиси Ибн Тағрибердиннинг «Миср ва Қоҳира подшоҳликларида кўринувчи юлдузлар» асарида ёзилишича, 1404 йилда Соҳибқироннинг Макка муқаррама зиёратига келиши ҳақида муқаддас шаҳарда хабар тарқалган. Макка амири Турон мамлакати соҳибини муносиб равишда кутиб олишга ҳозирлик кўрган. Бироқ номўғлум сабабларга кўра Соҳибқироннинг ушбу зиёрати амалга ошмай қолди.

Соҳибқирон ҳаётида бу муқаддас маскан билан боғлиқ воқеалар ҳам бўлган. Масалан, Дамашқ қамали вақтида шаҳар қалъасида муқаддас шаҳарлар — Макка ва Мадинага тегишли бўлган вақф ерларидан йиғиб олинган ғалла ҳосили яшириб қўйилгани хабари Амир Темур кулониға етади. У ушбу ғаллани дарҳол соттириб, тушган маблағни Макка ва Мадина шаҳарлари амирлари ихтиёрига юборди. Қуддуси шарифга ҳам Соҳибқирон номидан қимматбаҳо совғалар жўнатилди.

Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ,  
Ўзбекистон Миллий  
университети  
талабаси.

### ЭЪЛОНЛАР

1969 йил 9 майда туғилган Эрматова Раҳима Набиджановнага 1984 йилда Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 155-умумтаълим мактаби томонидан берилган №824264-сонли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

1974 йил 10 февралда туғилган Султанов Бахриддин Муродовичга 1999 йилда Ўзбекистон Миллий университети томонидан берилган В № 033379-сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



Маданият вазири Андижон вилоятидаги маданият тизими ташкилотлари фаолиятига доир муаммо ва камчиликларни ўрганди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## Нафақа тайинлашда энди пенсия ҳисобга олинмайди...(ми?)

— Фарзандларимнинг бобо-бувилари ҳам биз билан бирга яшади. Моддий ёрдам тайинлашда уларнинг пенсиялари ҳам оила даромадлари сифатида қайд этилар экан. Бу қанчалик тўғри?

**Нодира АЛИМОВА,**  
Қашқадарё вилояти.



**Ўғилой ҲОЗОВА,**  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Дарҳақиқат, бугунгача оила даромадлари сифатида бобо-бувиларнинг пенсиялари ҳам ҳисоблаб келинган. Жорий йилнинг 20 май куни тегишли Низомга қатор ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, эндиликда нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун оила таркибига биргаликда яшайдиган бобо-бувилар, шунингдек, болаларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар) билан биргаликда ҳўжалик юритувчи бошқа шахслар киритилмайди.

Бундан ташқари, эндиликда шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалигини юритишдан олинандиган норматив даромад ушбу ҳўжаликни юритиш учун фойдаланиладиган сотихлар сонини меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,035 (аввал 0,071) миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

ҚУЛАЙЛИК

## Ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш муддати узайтирилдими?

Ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадаги шаҳитга алмаштириш муддати узайтирилгани ҳақида эшитиб қолдим. Бу қанчалик тўғри?

**Раҳимбой САЛИМОВ,**  
Навоий вилояти.



**Зафар РАҲМОНОВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Дарҳақиқат, шундай. Ҳукуматнинг айрим қарорларига киритилган ўзгартиришларга кўра, эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига мажбурий алмаштириш муддати 2021 йил 31 декабргача узайтирилди. Илгари бу муддат 2020 йил 31 декабргача эди.

Шунингдек, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автоматотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб топилади. Аввалги тартиб бўйича бу муддат 2021 йил 1 январь деб кўрсатилган эди.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ

## Энди сув омборлари онлайн режимда назорат қилинади

— Фермер ҳўжалиги раҳбариман. Қишлоқ ҳўжалигида сувдан самарали фойдаланиш бўйича ҳўкумат қарори қабул қилинбди. Шу ҳақда қис-қача маълумот берсангиз...

**Азамат ТУРДИЕВ,**  
Сурхондарё вилояти.

**Зокир ИШПЎЛАТОВ,**  
Сув ҳўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги тегишли қарорига мувофиқ, сувни етказиб бериш бўйича ҳаражатларни сув истеъмолчилари томонидан қоплаш сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари миқдорига босқичма-босқич кўшиб бериш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, сув ҳўжалиги объектларида сув ресурслари ҳамда электр энергиясидан фойдаланишни онлайн режимда назорат қилиш имконини берувчи рақамли технология жорий этилади. Жумладан, сув омборлари ва ирригация тизимларида жами 18 минг 576 та қурилма ўрнатилади. Бундан ташқари, 1 минг 687 та насос станциясида электр энергиясидан фойдаланиш онлайн режимда назорат қилинади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

## Бир марталик нафақа янги тизим асосида тўланадими?

— Эшитишимча, фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақани тайинлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

**Нодира ЗИКРИЛЛАЕВА,**  
Тошкент вилояти.



**Севара ЗОКИРОВА,**  
Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан айрим давлат хизматларини кўрсатиш регламентлари тасдиқланди:

Жумладан, фарзанд туғилганда, ариза берувчи бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида бир марталик нафақани тайинлаш учун Давлат хизматлари маркази(ДХМ)га борган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали мурожаат этади. Тегишли сўровнома бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига юборилади.

Пенсия жамғармаси, ўз навбатида, нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Нафақа тайинланган тақдирда, уни қачон ва қаердан олиш тўғрисида маълумот, рад этилганда, рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумот тегишли ДХМга ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборилади. Давлат хизмати кўрсатилгани учун йўғим ундирилмайди.

ҲУҚУҚ

## Янги прописка тизими қачондан бошлаб амал қилади?

— Прописка тўғрисидаги янги қонун қабул қилинди, Президентнинг тегишли фармони имзоланди. Ҳўш, янги тизим қачондан бошлаб амал қилади?

**Азизбек ТУРСУНОВ,**  
Фарғона вилояти.



**Фаррух ЖўРАЕВ,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Прописка қилиш тартибига оид амалдаги Низом 2020 йил 1 сентябрга қадар амал қилади (Низомнинг 66-67-бандлари мазкур қарор эълон қилинган кундан ўз кучини йўқотди). Унинг ўрнига «Ўзбекистон фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланди (2020 йил 1 сентябрдан кучга киради).

Унга кўра, фуқаро янги яшаш жойига келган кундан эътиборан 15 кун ичида доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтиши шарт (ҳозир 10 кун муддатда).

Доимий рўйхатга олиш учун ариза топширилганда, фуқаро ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда тегишли маълумотлар базасидан текширилади. Мурожаат қилинган куннинг ўзида фуқаро паспортга аввалги доимий рўйхати бекор қилинганлиги тўғрисида штамп босилади ва фуқаронинг хоҳишига кўра, доимий рўйхатга олинганлиги ҳақида QR-CODE билан ҳимояланган қайд varaғи тақдим этилади.

